

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

УЎТ:633.511.631.55.5

Мамасолиев Фахриддин Улашевичнинг

**“Ғаллачиликда иккинчи репродукция уруғларининг ҳосилдорлик
хусусиятларини аниқлаш асосида, уруғчилик самарадорлигини
ошириш”**

5A410401 - «Селекцияси ва уруғчилик (дон экинлар)» мутахассислиги Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

:

**Илмий рахбар:
б.ф.д., профессор Саимназаров.Ю.**

Т о ш к е н т – 2 0 1 4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

5A410401 - «Селекцияси ва уруғчилик (дон экинлар)» мутахассислиги

“Қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси,
селекцияси ва уруғчилиги” кафедраси
мудири, доцент:

_____ Х.Назаров

Магистратура бўлими бошлиғи,
_____ У. Ортиқов

“ _____ ” _____ 2014 й

“ _____ ” _____ 2014й

Илмий рахбар:

б.ф.д. _____ Ю.Саимназаров

Магистр _____ Ф.Мамасолиев

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги:

Кейинги йиллар давомида ғаллачиликда экиш учун супер элита, элита ва биринчи репродукция уруғларидан фойдаланилмоқда. Кейинги авлод уруғлари эса деярли ишлаб чиқаришда қўлланилмайди. Шу боис Ғаллачиликда иккинчи репродукция уруғларининг ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш асосида, уруғчилик самарадорлигини ошириш” мавзусида тадқиқот ишларини амалга оширдик.

Ишнинг мақсадива вазифалари: Ғалланинг супер элита, элита, биринчи, иккинчи репродукциялар уруғларининг экинбоплик хусусиятлари ҳамда ўсиш ва ривожланиш фазалари, ҳосилдорлиги таққосланиб ўрганилди ва таҳлил қилинди ҳамда уруғ репродукцияларини экиш натижасида хўжаликлар иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Натижада иккинчи авлод уруғларини экиши ҳисобига экилаётган навларнинг сонини қисқартириш ҳамда фермер хўжаликларда уруғлик нархини тежаш ҳамда хориждан олиб келинаётган супер элита уруғларининг камайитириш ва ушбу уруғларни сотиб олишга сарфланаётган валюта маблағлари иқтисод қилиш имконияти пайдо бўлади.

Хулоса ва таклифлар: 1.Юқори авлодли (супер элита, элита, R-1) уруғларни экиш фақат уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари муайян нав уруғларни экиб кўпайтириш учун экилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари учун эса нархи орзон бўлган унувчанлиги ҳамда бошқа сифат кўрсаткичлари белгиланган талабларга жавоб берадиган иккинчи авлод уруғларни экишини.

3. Шу билан биргаликда уруғлик ишлаб чиқарувчилар ва уруғ тайёрлашга масъуллар харид нархи орзон бўлган 2-репродукция (R-2) унувчанлиги ҳамда бошқа сифат кўрсаткичлари белгиланган талабларга жавоб берадиган уруғларни янада кўпроқ ишлаб чиқаришга этибор берилиши.

Илмий раҳбар:

б.ф.д._____ Ю.Саимназаров

Магистр_____ Ф.Мамасолиев

в

МУНДАРИЖА

I-БОБ. Кириш.....	5
I.1. Мавзунинг долзарблиги.....	5
I.2. Тадқиқотнинг объекти ва предмети.....	13
I.3.Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	15
I.4.Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.....	17
I.5.Адабиётлар таҳлили.....	21
I.6.Тадқиқотда қўлланилган услубнинг қисқача тавсифи.....	32
I.7.Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.....	38
I.8.Тадқиқотнинг илмий янгилиги.....	51
II-БОБ. Асосий қисм.....	54
II.1. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги.....	58

III-БОБ. Хулоса.....	68
----------------------	----

III.1. Ишлаб чиқаришга тавсиялар.....	69
---------------------------------------	----

IV-БОБ. Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	70
---	----

I-БОБ. Кириш

I.1.Мавзунинг долзарблиги: Инсоният томонидан ўсимликларни маданийлаштириш тарихи ўн минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Ўз навбатида ўсимликларни маданийлаштириш жараёни ҳалқ селекцияси тарихига бориб тақалади.

Археологик олимларнинг маълумотларга қараганда биринчи маданийлаштирилган ўсимликлар: буғдой ва арпанинг ёввойи ҳолдаги турлари бўлган, шу сабабли бўлса керак азал-азалдан инсон рационадаги бош маҳсулот нон ва нон маҳсулотлари бўлиб келмоқда.

Буғдой ва арпанинг илк ватани ҳам Осиёдир: қадимги Сўғдиёна, Хоразм ва Бактрия ҳудудларида бу экинлар жуда қадимдан экиб келинади. Деҳқончилик маданияти ривожланган бу ҳудудларда дон экинларидан ташқари кўп миқдорда мева, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш яхши йўлга қўйилганидан инсон рациона турли-туман маҳсулотлар билан бойитилган.

Ривожланишнинг кейинги поғонасида инсон бошқа географик ҳудудларда мавжуд бўлган айрим ўсимликларни ўз ҳудудларига олиб келиб иқлимлаштиришга интилишган. Иқлимлаштириш ҳам осон кечмаган албатта айрим ўсимликларни ўз ватанидан бошқа иқлимдаги ҳудудларга ўн ва баъзан юзлаб йиллар сарф қилинган. Охир оқибатда селекция ишлари янада ривожлана бориб кўпроқ маҳсулот етиштириш имконияти туғилган.

Қадимги буюк «татис» денгизи қаъридан ўсиб чиққан турон замини жуда кўплаб

маданий ўсимликларнинг ҳам ватани бўлган.

Республикамизнинг тупроқ-иқлим шароити, дунёда ўсадиган ўсимликларнинг кўпчилигини ўстиришга имкон беради. Аммо собиқ иттифоқ замонасида ҳудудимиз «Пахта якка хокимлигига» айланди. Бозорларимиз қашшоқлашди, айрим истеъмол маҳсулотларини яшириб сотишга ўтилди. Маҳсулотнинг хилма-хиллиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди, масалан бозорларда ҳар қандай маҳсулотнинг бор йўғи бир ёки икки тури бўларди холос.

Республикамиз мустақилликка эришганига йигирма йилдан ошди. Бу давр тарихан қисқа давр, аммо шунга қарамасдан Мухтарам Президентимиз раҳбарлигида халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлганидек қишлоқ хўжалигида ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада ишлар амалга оширилди.

Шунинг учун Юртбошимиз, яратганга минг бор шукурки, ўз донимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етиб келдик деб бежиз айтмаган, чунки Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришди.

Яқин-яқингача аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча миллион тонналик дон минг машаққатлар эвазига четдан келтирилган, мамлактда қисқа вақт ичида ҳақиқий мўжиза юз берди. Кечагина юз минг тоннанинг нари-берисида бугдой етиштирилган ўлкада бугун миллион-миллион тонналик олтинранг хирмонлар тавлониб турибди. (Мустақил юрт ғалласи /-Т: “Ўзбекистон” 2003. – 136 б.)

Юртбошимиз И.А.Каримов мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ, Республика аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашимиз кераклилиги тўғрисидаги оқилона йўл йўриқлари ва кўрсатмаларини нақадар тўғри эканлиги ўз исботини топди.

Республикада ғаллачиликни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари, моддий техника таъминотини мустаҳкамлаш, юкори дон ҳосили берадиган бошоқли дон экинлари навларини яратиш, уларни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда бирламчи уруғчилигини ташкил этиш қаратилган илмий тадқиқот ишларини кучайтирилиши, ер эгасини топиши, фермер хўжаликларини

ғаллачиликка ихтисослашиши, суғориладиган ерларда ўртача юқори дон ҳосили олиниши, мамлакатимиз ўз аҳолисини дон билан таъминлабгина қолмасдан, ғалла экспорт килувчи давлатлар қаторидан ўрин олди.

Айрим вилоят, туман ва фермер хўжаликлари эришган ютуклари шунки кўрсатадики, навларни тўғри жойлаштириб, уруғчилигини тўғри йўлга қўйиши ҳамда берилган илмий тавсиялар асосида ташкилий ва агротехник тадбирлар ўз муддатида сифатли қилиб ўтказилганда сувли шароитда гектаридан 70-80 центнердан, ҳатто ундан ҳам ортиқ ғалла ҳосили олиш мумкин эканлиги яққол намоён бўлди. Бу эса катта ютуқ, катта ғалаба демакдир. (Ўзбекистон Республикасида экишга тавсия этилган, истиқболли кузги буғдой навларининг қисқача таснифи. Андижон-2011)

Ҳозирги кунда донли экинлар майдони анча кенгайди ва ғаллачилик, пахтачилик қаторида биринчи даражали тармоққа айланди. Бундан ташқари Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган сиёсат натижасида ғалла ишлаб чиқаришнинг 85 фоизидан ортиғи фермер хўжаликларига тўғри келмоқда.

Ўтган йиллар ичида республикамиз бўйича навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир минтақанинг табиий иқлим шароитига мос навларни тўғри танлаш ва жойлаштириш ҳисобига гектаридан 70-80 центнердан ҳосил етиштириш бўйича аниқ агротехник тавсиялар ишлаб чиқилши натижасида 2013 йилда республика бўйича бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлиги суғориладиган ерларда ўртача 52-53 центнерни ташкил қилди. (Agro BIZNES журнали №07/78-2013)

1991 йилда, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлиги бор-йўғи 17 центнерни ташкил этганлигини, республикамиз дон ва ун таъминти бўйича бутунлай Марказга қарам бўлиб кун кечирганини ўзимизга фараз қилсак, ўтган йиллар мабойнидан ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз, ҳосилдорлик 3

каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳолсил 7 баробардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, айти пайтда хорижий давлатларга дон экспорт қилишга эришганимиз бизнинг қандай юксак марраларни забт этганимиздан яққол далолат беради ва ўзгаларнинг ҳайратини тортади. (2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юртимиз ғаллакорларига йўллаган табригидан)

Шу ўринда мамалакатимизда буғдойнинг 50 та нави Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилиб, республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида экилмоқда. Шундан 25 та нав мустақиллик йилларида ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган навлардир.

Мустақиллик йилларида дон ҳосилдорлиги кўпайиши билан биргаликда унинг сифати ҳам анча яхшиланди.

Шунинг билан бир қаторда, барқарор, юқори ва сифатли ҳосил берадиган, атроф муҳитнинг ноқулай шароитларига бардошли, кучли ва қимматли технологик сифатларга эга бўлган маҳаллий буғдой навларини яратиш, уларнинг бирламчи ва оммавий уруғчилиги ва уруғшунослик усуллариини такомиллаштириш бугунги кунда устивор масалалардан ҳисобланади.

Ғаллачиликни ривожлантириш учун биринчи навбатда уруғчиликни тубдан яхшилаш, турли тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган ҳосилдор ва сифатли дон берадиган навларни танлаш,агротехника коидаларига тулиқ риоя қилиш натижасида уруғнинг экинбоблик сифати,унинг экишга яроқлик хусусиятларилари мажмуаси (унувчанлик,ушиш энергияси,тозалиги,намлиги, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланганлиги),навдорлик сифати- уруғнинг нав тозалиги,типиклиги,репродуксияси ва бошқа кўрсаткичлари бўйича талабларга жавоб бериши,ҳосилдорлик сифати-уруғнинг аниқ ишлаб чиқариш шароитида маълум миқдордаги ҳосил бериш хусусиятларини белгилаш,юқори репродуксияли уруғларни экиш,купайтириш ва тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий этиш

лозим. Шу йул билан ғалла ҳосилдорлигини 25-30% га ошириш билан мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкин.

Экинбоблик сифатларига уруғлик сифатлари бўйича синфларга бўлинади. Уруғлик учун экилган далаларда фақат биринчи синф уруғлар экилади. Биринчи синф экинларда унувчанлик 95 % тозалиги 99 % дан кам бўлмаслиги керак. Юқоридаги кўрсаткичлар экинбоплик сифати, наводорлик сифати ва ҳосилдорлик сифатларига риоя қилинган ҳолда бўлиши керак.

Элита уруғлари етиштириш қуйдаги тартибда амалга оширилмоқда, яъни бошланғич жараёнда вилоятнинг элита уруғлигига бўлган талабдан келиб чиқиб, юқори репродукцияли нав тозалиги яхши бўлган уруғлик майдонларидан якка танлаш усулида 500-1000 тагача бошоқ танлаб олиниб биринчи авлод синовига ҳар бир бошоқ алоҳида майдаланиб, бир қатордан экилади. Бу ерда ҳар бир бошоқ авлоди синчиклаб урганилиб, типик бўлмаган линиялар яроқсиз топилади ва ташлаб юборилади.

Қолган лениялар алоҳида урганилиб таҳлил қилинади ва иккинчи авлод синовига ҳар бир линия алоҳида 10 м/кв майдонга экилади. Бу ерда ҳам танлов ишлари олиб борилади. Бундан чиққан уруғлар қўшилиб учунчи йил кўпайтириш майдолнига, тўртинчи йил супер элита, бешинчи йил элита уруғи етиштирилади.

Бу жараён қуйдаги тизимдан иборат.

Биринчи йил: биринчи авлод синови

Иккинчи йил: иккинчи авлод синови

Учунчи йил: кўпайтириш

Тўртинчи йил: супер элита

Бешинчи йил: элита

Маълумки, ҳамма экин турларида бўлгани каби ғаллачиликда ҳам қанча юқори репродукцияли уруғлар экилса, ҳосилдорлиги шунча юқори бўлади.

Шуни назарда тутиб юқорида элита уруғи ишлаб чиқариш классик усулдан ташқари, иккинчи усул – ялпи танлаш усулини ҳам қўллаш мумкин. Яъни, унда

уруғлик майдонларидан бошоқлар ялпи танланиб, олинган бошоқлар майдаоланиб, донлар кўпайтириш даласига экилади ва ундан сўнг супер элита, кейин элита уруғлиги етиштирилади.

Навдолик, экинбоплик, ҳосилдорлик сифатларини яхшилаш, юқори репродукцияли уруғлар экиш натижасида ҳосилдорлик 25-30 фоизга ошиши ҳисобига халқни дон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш билан бирга юқори репродукцияли уруғни давлатга сотиш баҳоси юқорилиги билан юқори даромад олиш имконини яратади.

Бу шуни кўрсатадики уруғликка эътибор юқори ҳосил ва даромад манбаидир. (Ғайбуллаев С.Ғ., Ғайбуллаев Ғ.С.)

Уруғлик сифати ва ҳосилдорлик юқори сифатли ғалла етиштириш мавжуд бўлган барча имкониятлардан тўла фойдаланишни тақозо этади. Бундай имкониятлардан бири маҳсулдорлиги ва дон сифати юқори, турли экологик шароитга мослашувчан кузги буғдой навларидир.

Аммо ҳар қандай яхши нав ҳам ишлаб чиқариш жараёнида ўзидаги мавжуд бўлган потенциал имкониятларни юқори сифатли наводор уруғлардан экилган тақдирдагина намоён қилади.

Республикамизда уруғлик сифатига жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. Экиш учун қўлланиладиган барча уруғлик, наводорлиги ва уруғ экиш сифати буйича Давлат андозалари талабига тўла жавоб бериши керак.

Буни устидан давлат назорати ўрнатилиб, давлат уруғназорат инспекциялари фаолият кўрсатиб, юқори сифатли уруғлик билан хўжаликларни таъминлашига ёрдам кўрсатмоқда.

Юқори сифатли наводор уруғликни бирламчи уруғчилик хўжаликларида ўтказиладиган агротехник тадбирларни ўз муддатида сифатли қилиб ўтказилгандагина олиш мумкин.

Маълум бир нав уруғи ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йил давомида қайта экилиши натижасида навга хос бўлган қимматбаҳо хусусиятлар йўқолиб нав

айний бошлайди.

Бунинг сабаби паст агротехникани қўлланилиши, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиши, уруғликни механик ва биологик ифлосланишидир.

Республикамизда бошоқли дон экинлари уруғчилигини такомиллаштирилган уруғчилик тизимини ишлаб чиқилишига қарамасдан етиштирилаётган ғалла уруғи тула талаб даражасида эмас.

Бунинг сабаби етиштирилган уруғликни хўжаликларга транспортда ташиш, далага олиб бориш сеялкада бир навни экиб булгандан кейин сеялкани яхши тозаламасдан иккинчи нав уруғини экиш жараёнида айрим хўжаликларда нав аралашилишига, яъни уруғликни биологик ифлосланишига йўл қўйилмоқда.

Айрим фермер деҳқон хўжаликлари ижарага олинган ер майдонларида давлат назоратидан ўтмаган, ўзи етиштирган ва сараланмаган уруғликни экиши натижасида ҳам уруғ сифати бузилмоқда.

Шундай салбий ҳолатлар содир бўлмаслиги учун қуйдагиларга амал қилиш керак:

Бошоқли дон экинлари, жумладан районлашган ва истиқболли бугдой навларидан суперэлита ва элита уруғларини етиштиришни шартнома асосида илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг филиаллари ҳамда тажриба станцияларига юклатилиши, шунингдек навлар устидан муаллифлар назоратини ўрнатиш энг яхши натижа беради.

Экиладиган уруғлик турли хил бегона утлар уруғларидан тозаланиб сараланган ва турли хил касалликларга қарши кимёвий воситалар билан ишланган кондицияси бўйича 1 класс уруғ талабига жавоб бериши керак.

Экилаётган уруғ меъёрини барча навлар учун бир хил килограммда (гектарига 180, 200, 250 кг) белгиламасдан, навларни биологик хусусияти, донининг катта кичиклиги ва тупроқ шароити ҳамда экиш муддатини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир нав учун гектарига экиладиган уруғ меъёрини млн.дона

унувчан уруғ ва килограмм ҳисобида белгиланиши мақсадга мувофиқ. \

Кузги буғдойдан мўл ва юқори сифатли дон етиштиришда энг асосий эътиборни тубандагиларга қаратиш керак:

Хар бир хўжалик ўз тупрок-иклим шароити, минерал ўғитларни қуллаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашдаги молиявий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда нав танлаш.

Экиш учун юқори сифатли наводор уруғ тайёрлаш.

Буғдой экишни хар бир вилоят, туман ва хўжаликнинг тупрок-иклим шароити учун мақбул муддатда ўтказиш.

Навнинг биологик хусусияти ва тупрок унумдорлиги ҳамда тупрокнинг намлик билан таъминлаш даражасига қараб экиш меъёрини белгилаш ва ўртача хар бир гектар ер майдонига экиладиган уруғ 4,5-5,0 млн. дона унувчан уруғдан кам булмаслигини таъминлаш керак.

Экиш мавсумини ўтказиш учун ерни экишга яхшилаб сифатли тайрёлаш. Республикамиз шароитида 60-65 фоиз майдонга бошокли дон экинлари ғўза қатор орларига экилади.

Бунда ғуза қатор ораларини культивация ёрдамида юмшатишдан олдин гектар ҳисобига 90 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити таъсир этувчи модда ҳисобида берилиб, культивация ёрдамида ернинг юза қисми юмшатилиб, экиш мавсумини сифатли ўтказиш.

Буғдой ўсув даврида органик ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ва тупрок намлигини дала нам сиғимига нисбатан 70-75 фоизда бўлишини таъминлаш.

Ўсув даврида буғдой экилган майдонларда учрайдиган касалликлар, бегона ўтлар ва ҳашоратларга қарши кураш олиб бориш.

Ғалла ўримини қисқа муддатда тез ва сифатли қилиб 15-20 кунда ўтказиш.

Донни қайта ишлаш корхоналарини халқаро андозаларга мос келадиган ускуналар билан қайта жихозлаб бериш ва уларни малакали мутахассслар билан

таъминлаш ишлари амалга оширилса ҳалкимизни етарли миқдордаги сифатли дон ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилади.

(Р. Сиддиқов. Ўзбекистон Республикасида экишга тавсия этилган, истиқболли кузги буғдой навларининг қисқача таснифи. Андижон-2011)

I.2. Тадқиқотнинг объекти ва предмети:

Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги ва “Уруғчилик тўғрисида”ги қонунларининг қабул қилиниши, Олий мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг уруғчиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги бир қатор қарорлари, қишлоқ хўжалик экинлари нав ва уруғларга бўлган талабларни тубдан ўзгартиришни ҳамда маълум бир даражада халқаро талабларга уйғунлаштиришни тақозо этади.

Бўлажак ҳосилнинг юқори ва сифатли бўлиши, кўп жихатдан навларни тўғри танлаш ва уларни минтақалар бўйича оқилона жойлаштиришга ҳамда уруғчилигини тўғри йўлга қўйишга ҳам боғлиқдир.

Шунга қарамадан бугунги кунда бошоқли дон экинларининг аксарият уруғлик жамғармасининг наводорлик ва экинбоплик сифатлари белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Натижада ишлаб чиқаришда етиштирилаётган бошоқли дон экинларининг аксарият навларида ҳосилдорлиги паст ва уруғлик сарфи эса хориж мамлакатлар кўрсаткичларидан бир мунча юқори бўлмоқда.

Юқоридаги муаммоларнинг сабабларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш йўллари қидириш учун бошоқли дон экинлар уруғларининг сифат кўрсаткичлари аҳамиятини, алоҳида ёритиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Уруғчиликнинг ҳуқуқий асоси бу Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда қабул қилинган ва 2002 йилда янги таҳрирдаги «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ҳамда «Уруғчилик тўғрисида»ги қонунларидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунида селекция ютуғи ва нав тушинчаларига қуйидагича таъриф берилган.

Селекция ютуғи - ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти.

Нав – ўсимликлар гуруҳи бўлиб, наслдан-наслга барқарор ўтувчи муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқаларидан ажратиб турувчи белгиларига қараб аниқланади ва айнаи бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади.

Уруғчилик-бу хўжаликларни юқори сифатли уруғлар билан таъминлашга йўналтирилган қишлоқ хўжалик фани ва ишлаб чиқариш соҳасидир. Фан сифатида уруғчилик навнинг барча белги ва хусусиятларни бир неча йиллар давомида барқарор сақлаб қолишга қаратилган услублар, тадбирлар ва технологияларнинг самараси билан белгиланади. Ишлаб чиқариш соҳаси сифатида тайёрланган уруғнинг миқдори ва сифати ҳамда уруғликка бўлган талаб ва таклифлар механизмини рационал ташкил этилиши ва бошқарилиши билан белгиланади.

Одатда, ҳар қандай экин навлари хўжалик-биологик хусусиятларини жуда узоқ муддат мустаҳкам сақлаб туриши мумкин. Уларнинг ҳосилдорлигини ифодаловчи белгилари бўйича рўй берадиган ирсий ўзгаришлар оммавий тусда эмас, балки якка тартибда жуда оз ҳолларда фақат айрим ўсимликларда содир бўлади холос. Шунинг учун у табиий танлашнинг узоқ муддатли таъсирисиз навнинг тез айланишига олиб кела олмайди.

Баъзан, элита уруғлари ишлаб чиқаришда узоқ давр мобайнида фойдаланилган паст репродукцияли, аммо нав тозалиги қониқарли бўлган уруғларга нисбатан анча кўп ҳосил бериш қобилиятига эга бўлади.

Аммо айрим ҳолларда элита уруғларнинг ҳосилдорлиги бўйича бундай устунликка эга бўлиши қисқа муддатли ҳодиса бўлиб, бу элита хўжаликлар ва

илмий тадқиқот муассасаларида қўлланиладиган агротехник шароитларнинг яхши бўлишига боғлиқ.

Демак, ҳар бир уруғчилик хўжалигида юқори сифатли уруғлар шаклланишига имкон берадиган қулай шароитларни барпо этиш керак.

Йил сайин қулай шароитда етиштириладиган уруғлар узоқ йиллар давомида маҳсулдорлиги бўйича элита уруғидан ҳеч қолишмаслиги мумкин.

Республикада ҳам ана шу кўрсаткичларининг донли экинларда турли навлар ва уруғ авлодларининг уларнинг экинбоплик хусусиятлари, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири борасида аниқ фикр ва тавсияларнинг йўқлиги туфайли аксарият фермерлар ва деҳқонлар нархи қиммат бўлган юқори репродукция: супер элита ва элита уруғларини экишмоқда. Натижада олинадиган маҳсулот таннархининг юқори бўлиб кетиши, даромаднинг эса паст бўлишига олиб келади.

Ваҳоланки, супер элита ва элита уруғлар фақат ундан кейинги авлод уруғларни етиштириш учун экилиши талаб этилади. Уруғчиликка ихтисослашмаган фермерларга супер элита ва элита уруғ экишнинг ҳожати борми ўзи?

Кейинги йиллар давомида ғаллачиликда экиш учун супер элита, элита ва биринчи репродукция уруғларидан фойдаланилмоқда. Кейинги авлод уруғлари эса деярли ишлаб чиқаришда қўлланилмайди. Шу боис ғаллачиликда иккинчи ва учинчи репродукция уруғларини экишга яроқлилигини ва уларнинг ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш бугунги кунда устувор муаммо ҳисобланади.

I.3.Тадқиқот мақсади ва вазифалари:

Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик аграр ислоҳатлардан бири дон мустақиллигига эришиш бўлиб, бугунги кунда донли экинлар майдони анча кенгайди ва ғаллачилик, пахтачилик каторида биринчи даражали тармоққа айланди.

Шунинг билан бир қаторда, барқарор, юқори ва сифатли ҳосил берадиган, атроф муҳитнинг ноқулай шароитларига бардошли, кучли ва қимматли технологик

сифатларга эга бўлган маҳаллий бугдой навларини яратиш, уларнинг бирламчи ва оммавий уруғчилиги ва уруғшунослик усулларини такомиллаштириш бугунги кунда устивор масалалардан ҳисобланади.

Кейинги йиллар давомида ғаллачиликда экиш учун супер элита, элита ва биринчи репродукция уруғларидан фойдаланилмоқда. Кейинги авлод уруғлари эса деярли ишлаб чиқаришда қўлланилмайди. Шу боис ғаллачиликда иккинчи репродукция уруғларини экишга яроқлилигини ва уларнинг ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш асосий мақсад этиб қўйилди.

Бугунги кунда экиб келинаётган навларни кўп йиллар давомида сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш, аҳамияти жиҳатдан селекция йўли билан янги навларни яратишдан кам бўлмаган устивор илмий-тадқиқот иши ҳисобланади.

Ҳар қандай экин навлари хўжалик-биологик хусусиятларини жуда узоқ муддат мустаҳкам сақлаб туриши мумкин. Уларнинг ҳосилдорлигини ифодаловчи белгилари бўйича рўй берадиган ирсий ўзгаришлар оммавий тусда эмас, балки якка тартибда жуда оз ҳолларда фақат айрим ўсимликларда содир бўлади холос. Шунинг учун у табиий танлашнинг узоқ муддатли таъсирисиз навнинг тез айланишига олиб кела олмайди.

Элита уруғлари ишлаб чиқаришда узоқ давр мобайнида фойдаланилган паст репродукцияли, аммо нав тозалиги қониқарли бўлган уруғларга нисбатан анча кўп ҳосил бериш қобилиятига эга бўлади. Аммо айрим ҳолларда элита уруғларнинг ҳосилдорлиги бўйича бундай устунликка эга бўлиши қисқа муддатли ҳодиса бўлиб, бу элита хўжаликлар ва илмий тадқиқот муассасаларида қўлланиладиган агротехник шароитларнинг яхши бўлишига боғлиқ. Демак, ҳар бир уруғчилик хўжалигида юқори сифатли уруғлар шаклланишига имкон берадиган қулай шароитларни барпо этиш керак. Йил сайин қулай шароитда етиштириладиган уруғлар узоқ йиллар давомида маҳсулдорлиги бўйича элита уруғидан ҳеч қолишмаслиги мумкин.

Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун бир неча бошоқли дон экинлар

навларидан белгиланган талабларга жавоб берадиган супер элита ва 2-репродукция уруғлари тайёрланди.

Ана шу тайёрланган ҳар хил нав уруғлари белгиланган услублар асосида дала шароитида экилиб, улар тўлиқ униб чиқиши, ривожланиш фазалари, вегетация даври, ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлиги аниқланади.

I.4.Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:

Эрамизнинг биринчи асрида Римлик тадқиқотчи Колумпелла шундай деган : «Дон ҳосили йиғиштириб олинган ондан даланинг ўзидаёқ келгуси ҳосил учун уруғ танлаш ҳақида бош қотириш,энг яхши бошоқларни танлаш, улардан йирик ва оғир донларни ажратиб олиш ва келгуси ҳосил учун сақлаб қолиш керак». Доимий равишда йирик уруғларни танлаш зарурлиги ҳақида Вергилий фикри: «Машшақатли меҳнатлар натижасида танланган уруғларнинг айнишининг шоҳиди бўлганман, қайсики агар энг йирик донларни танлаш ҳар йили амалга оширилмас экан».(Никитинко Г.Ф.1975).

Костичев П. (1877) маълумотларига кўра экиш учун йирик ва оғир уруғлардан фойдаланиш аҳамияти жиҳатидан қўшимча минерал ўғитларни бериш ёки қўшимча ишлов бериш билан тенгдир.

Доброхотов В.Н. (1940) нинг фикрича, уруғларнинг паст унувчанлигини бартараф этишга қилинган ҳаракат бу уруғликни иқтисод қилишга, яъни экиш меъёрини камайтиришга бўлган ҳаракатдир.

Уруғларнинг физик хоссалари билан уларнинг биологик тўлақонли— лиги ўртасида боғлиқликни аниклаш, юқори сифатли уруғлик материални танлаш усулларини такомиллаштиришда ўта муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик дастлабки тадқиқотлар натижасида уруғларнинг ўлчами ва вазнининг уларнинг экинбоплик сифатлари ҳамда ҳосилдорлик хусусиятлари билан боғликлиги тўғрисида шаклланган фикрлар амалиётда ҳар доим ҳам ўз тасдиғини топмайди (Алехин Н.В.1976).

Бир неча тажрибаларда бундай боғлиқлик инкор қилинган (Прикладов Н.В.). Тўлақонли ва сифатли уруғлар учун асосий кўрсаткич этиб, уларнинг ўлчами эмас , балки улар ўлчами нисбатидир (Макрушин Н.1982). Бундай карама– қаршилиқ қуйидагича изоҳланган, яъни йирик уруғлар таркибида кўпинча сифатсиз уруғларнинг учраши, майда уруғлар таркибида эса тўлақонли уруғларнинг кўп миқдорда бўлиши аниқланган (Ульрих Н.1968. Макрушин Н.1982.).

Р.Сиддиқов, И.Эгамов, Т.Жалолов, А. Мансуров (2011) ларга кўра уруғлик сифати ва ҳосилдорлик юқори сифатли ғалла етиштириш мавжуд бўлган барча имкониятлардан тўла фойдаланишни тақазо этади. Бундай имкониятлардан бири маҳсулдорлиги ва дон сифати юқори, турли экологик шароитга мослашувчан кузги бугдой навларидир.

Аммо ҳар қандай яхши нав ҳам ишлаб чиқариш жараёнида ўзидаги мавжуд бўлган потенциал имкониятларни юқори сифатли наводор уруғлардан экилган тақдирдагина намоён қилади.

Республикамизда уруғлик сифатига жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. Экиш учун қўлланиладиган барча уруғлик, наводорлиги ва уруғ экиш сифати бўйича Давлат андозалари талабига тўла жавоб бериши керак.

Буни устидан давлат назорати ўрнатилиб, давлат уруғназорат инспекциялари фаолият кўрсатиб, юқори сифатли уруғлик билан хўжаликларни таъминлашига ёрдам кўрсатмоқда.

Юқори сифатли наводор уруғликни бирламчи уруғчилик хўжаликларида ўтказиладиган агротехник тадбирларни ўз муддатида сифатли қилиб ўтказилгандагина олиш мумкин.

Маълум бир нав уруғи ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йил давомида қайта экилиши натижасида навга хос бўлган қимматбаҳо хусусиятлар йўқолиб нав айний бошлайди.

Бунинг сабаби паст агротехникани қўлланилиши, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиши, уруғликни механик ва биологик

ифлосланишидир.

Республикамизда бошоқли дон экинлари уруғчилигини такомиллаштирилган уруғчилик тизимини ишлаб чиқилишига қарамасдан етиштирилаётган ғалла уруғи тула талаб даражасида эмас.

Бунинг сабаби етиштирилган уруғликни хўжаликларга транспортда ташиш, далага олиб бориш сеялкада бир навни экиб бўлгандан кейин сеялкани яхши тозаламасдан иккинчи нав уруғини экиш жараёнида айрим хўжаликларда нав аралашлишига, яъни уруғликни биологик ифлосланишига йўл қўйилмоқда.

Айрим фермер деҳқон хўжаликлари ижарага олинган ер майдонларида давлат назоратидан ўтмаган, ўзи етиштирган ва сараланмаган уруғликни экиши натижасида ҳам уруғ сифати бузилмоқда.

Шундай салбий ҳолатлар содир бўлмаслиги учун қуйдагиларга амал қилиш керак:

Бошоқли дон экинлари, жумладан районлашган ва истиқболли буғдой навларидан суперэлита ва элита уруғларини етиштиришни шартнома асосида илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг филиаллари ҳамда тажриба станцияларига юклатилиши, шунингдек навлар устидан муаллифлар назоратини ўрнатиш энг яхши натижа беради.

Экиладиган урутлик турли хил бегона утлар уруғларидан тозаланиб сараланган ва турли хил касалликларга қарши кимёвий воситалар билан ишланган кондицияси бўйича 1 класс уруғ талабига жавоб бериши керак.

Экилаётган уруғ меъёрини барча навлар учун бир хил килограммда (гектарига 180, 200, 250 кг) белгиламасдан, навларни биологик хусусияти, донининг катта кичиклиги ва тупроқ шароити ҳамда экиш муддатини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир нав учун гектарига экиладиган уруғ меъёрини млн.дона унувчан уруғ ва килограмм ҳисобида белгиланиши мақсадга мувофиқ. \

Кузги буғдойдан мўл ва юқори сифатли дон етиштиришда энг асосий эътиборни тубандагиларга қаратиш керак:

Хар бир хўжалик ўз тупрок-иклим шароити, минерал ўғитларни қуллаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашдаги молиявий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда нав танлаш.

Экиш учун юкори сифатли наводор уруғ тайёрлаш.

Бугдой экишни хар бир вилоят, туман ва хўжаликнинг тупрок-иклим шароити учун мақбул муддатда ўтказиш.

Навнинг биологик хусусияти ва тупрок унумдорлиги ҳамда тупрокнинг намлик билан таъминлаш даражасига қараб экиш меъёрини белгилаш ва ўртача хар бир гектар ер майдонига экиладиган уруғ 4,5-5,0 млн. дона унувчан уруғдан кам булмаслигини таъминлаш керак.

Экиш мавсумини ўтказиш учун ерни экишга яхшилаб сифатли тайрёлаш. Республикамиз шароитида 60-65 фоиз майдонга бошокли дон экинлари гўза қатор орларига экилади.

Бунда гўза қатор ораларини культивация ёрдамида юмшатишдан олдин гектар ҳисобига 90 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити таъсир этувчи модда ҳисобида берилиб, культивация ёрдамида ернинг юза қисми юмшатилиб, экиш мавсумини сифатли ўтказиш.

Бугдой ўсув даврида органик ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ва тупрок намлигини дала нам сиғимига нисбатан 70-75 фоизда бўлишини таъминлаш.

Ўсув даврида бугдой экилган майдонларда учрайдиган касалликлар, бегона ўтлар ва ҳашоратларга қарши кураш олиб бориш.

Ғалла ўримини қисқа муддатда тез ва сифатли қилиб 15-20 кунда ўтказиш.

Донни қайта ишлаш корхоналарини халқаро андозаларга мос келадиган ускуналар билан қайта жихозлаб бериш ва уларни малакали мутахассслар билан таъминлаш ишлари амалга оширилса ҳалкимизни етарли микдордаги сифатли дон ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилади.

I.5.Адабиётлар таҳлили:

Юртбошимиз И.А.Каримов мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ, Республика аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашимиз кераклилиги туғрисидаги оқилона йўл йўриқлари ва кўрсатмаларини нақадар туғри эканлиги ўз исботини топди.

Республикада ғаллачиликни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари, моддий техника таъминотини мустаҳкамлаш, юқори дон ҳосили берадиган бошоқли дон экинлари навларини яратиш, уларни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда бирламчи уруғчилигини ташкил этиш қаратилган илмий тадқиқот ишларини кучайтирилиши, ер эгасини топиши, фермер хўжаликларини ғаллачиликка ихтисослашиши, суғориладиган ерларда ўртача юқори дон ҳосили олиниши, мамлакатимиз ўз аҳолисини дон билан таъминлабгина қолмасдан, ғалла экспорт килувчи давлатлар қаторидан ўрин олди.

Айрим вилоят, туман ва фермер хўжаликлари эришган ютуклари шунини кўрсатадики, навларни тўғри жойлаштириб, уруғчилигини тўғри йўлга қўйиши ҳамда берилган илмий тавсиялар асосида ташкилий ва агротехник тадбирлар ўз муддатида сифатли қилиб ўтказилганда сувли шароитда гектаридан 70-80 центнердан, ҳатто ундан ҳам ортиқ ғалла ҳосили олиш мумкин эканлиги яққол намоён бўлди. Бу эса катта ютуқ, катта ғалаба демакдир. (Ўзбекистон Республикасида экишга тавсия этилган, истиқболли кузги буғдой навларининг

қисқача таснифи. Андижон-2011)

Ўзбекистон нафақат ғалла мустақиллигига эришди, балки ғалла экспорт қиладиган давлатга айланди. Бу эса катта ютуқ, катта ғалаба демакдир.

Ҳозирги кунда донли экинлар майдони анча кенгайди ва ғаллачилик, пахтачилик қаторида биринчи даражали тармоққа айланди. Бундан ташқари Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган сиёсат натижасида ғалла ишлаб чиқаришнинг 85 фоизидан ортиғи фермер хўжаликларида тўғри келмоқда.

Ўтган йиллар ичида республикамиз бўйича навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир минтақанинг табиий иқлим шароитига мос навларни тўғри танлаш ва жойлаштириш ҳисобига гектаридан 70-80 центнердан ҳосил етиштириш бўйича аниқ агротехник тавсиялар ишлаб чиқилши натижасида 2013 йилда республика бўйича бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлиги суғориладиган ерларда ўртача 52-53 центнерни ташкил қилди. (Agro BIZNES журнали №07/78-2013)

1991 йилда, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлиги бор-йўғи 17 центнерни ташкил этганлигини, республикамиз дон ва ун таъминти бўйича бутунлай Марказга қарам бўлиб кун кечирганини ўзимизга фараз қилсак, ўтган йиллар мабойнидан ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз, ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳолсил 7 баробардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, айни пайтда хорижий давлатларга дон экспорт қилишга эришганимиз бизнинг қандай юксак марраларни забт этганимиздан яққол далолат беради ва ўзгаларнинг ҳайратини тортади. (2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юртимиз ғаллакорларига йўллаган табригидан)

Дала шароитида унувчанлик ҳар қандай шароитда ҳам лаборатория шароитдаги унувчанликдан паст бўлиб, у аввало уруғ сифатига, агротехник

шароитларга,экологик омилларга,шунингдек уруғ ва ниҳолларнинг касаллик ва зараркунандалар томонидан зарарланишига боғлиқдир.

Ўсимликларда филогенез жараёнида ажойиб хусусият шаклланган бўлиб, унда янги организмнинг ирсий асосларини, ана шу организм учун зарур бўлган озик моддаларни ўз ичига олган, шу билан бирга кўпайиши учун мослашувчанлик қобилятига эга бўлган уруғларни шакллантириш қобиляти пайдо бўлди.

Уруғлар белгиланган ташқи муҳит шароитида оналик ўсимлигида пайдо бўлади ва шаклланади. Турли хил шароитларда ўстирилган уруғлик материали турли биологик хусусиятларга эга бўлади. Шунинг учун, экинларидан юқори ҳосил беришни таминлай олмайдиган уруғларни экиш қишлоқ хўжалиги учун катта хавф эканлигини доимо эътиборга олиш зарур.

Мазкур хавфни олдини олиш мақсадида бир қатор уруғчиликга оид тадбирлар доимий равишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Жумладан, уруғ сифатини доимий равишда назорат қилиб бориш, уларни тайёрлашда, сақлашда ва экишдан олдин сифатини аниқлаш ва х.к. Нариманов А.А. (2000)

Бугунги кунда уруғчиликда (уруғ етиштиришда) генетика фанининг тамойилларига амал қилинмайди, яъни авлоди бўйича текшириб кўриш, навнинг ирсияти ва ўзгарувчанлиги ва х.к. Натижада аксарият гўза навлари айланиши ва бузилиши оқибатида ишлаб чиқаришдан чиқиб кетмоқда.

Экилаётган навларни кўп йиллар давомида сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш аҳамияти жиҳатидан селекция йўли билан янги нав яратишдан кам бўлмаган устувор илмий-тадқиқот иши ҳисобланади.

Уруғ сифати бир неча кўрсаткичлардан иборат бўлиб, ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, тайёрловчилар, савдо-сотиқ ҳамда уруғ сифатига сертификат берувчилар ҳам ундан маълум даражада манфаатдордир.

Уруғларнинг экинбоплик сифатлари лаборатория шароитида аниқланса, уларнинг ҳосилдорлик хусусиятлари, яъни авлоди маҳсулдорлиги фақат дала шароитида аниқланади. Уларнинг ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш борасида

бирон-бир объектив лаборатория синовлари (тестлари) деярли мавжуд эмас (Нариманов, 2000).

Монопол бозор шароитида ишлаб чиқарувчи уруғ сифатини оширишдан манфаатдор эмас, чунки истеъмолчи уруғлик тақсимотидан унга теккан уруғни экишга мажбур бўлади.

Нариманов А. (2005) нинг таъкидлашича, уруғчиликдаги муаммоларни ечишда уруғчиликни кенг тармоқ, яъни қуйидаги босқичларни ўзида мужассам қилган тизим сифатида кўриб чиқиш керак. Жумладан, нав алмаштириш – янги навларни жорий қилиш, нав (уруғ) янгилаш – элита ва кейинги авлод уруғларни ишлаб чиқиш, уруғшунослик – уруғ ҳақидаги фан, уруғ назорати. Ана шулар орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб бирор бир босқичда узилиш бўлса, умуман уруғчилик тизимида бу салбий ҳолат ўз аксини топади.

Нав янгилаш бу уруғларни кўпайтиришда навнинг морфобиологик белгиларини барқарор сақлаб қолишга йўналтирилган сунъий танлаш механизми ва илмий асосланган тадбирлар тизимидир. Нав янгилашни 3 қиррали ягона уруғчилик тизими сифатида, яъни паст наводорликка эга уруғлик майдонларни брак қилиш, янгилаш ва юқори наводорликка эга бўлган уруғларни кўпайтиришга йўналтирилган жараён сифатида кўриб чиқиш тавсия этилади.

А. Омонов, Р. Сиддиқов, Х. Махмудов, Р. Қурбонов (2011) ларга кўра, дон шакилланиши, тўлиши ва юқори сифатли наводор уруғлик етиштиришда ўсимликни ўстириш шароити муҳим ўрин тутди. Фақатгина уруғлик юқори агротехника шароитида етиштирилгандагина уруғлик ўша навга хос бўлган ҳосилдорлик ва уруғ экиш сифати юқоририлиқ белги ва хусусиятларини ўзида сақлаб қолади. Шу сабабли уруғлик экин майдонларида барча агротехника тадбирлари юқори сифатли ҳамда мақбул муддатларда ўтказилиши керак.

Р.Сиддиқов, И.Эгамов, Т.Жалолов, А. Мансуров (2011) ларга кўра уруғлик сифати ва ҳосилдорлик юқори сифатли ғалла етиштириш мавжуд бўлган барча имкониятлардан тўла фойдаланишни тақазо этади. Бундай имкониятлардан бири

махсулдорлиги ва дон сифати юқори, турли экологик шароитга мослашувчан кузги буғдой навларидир.

Аммо ҳар қандай яхши нав ҳам ишлаб чиқариш жараёнида ўзидаги мавжуд бўлган потенциал имкониятларни юқори сифатли наводор уруғлардан экилган тақдирдагина намоён қилади.

Республикамизда уруғлик сифатига жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. Экиш учун қўлланиладиган барча уруғлик, наводорлиги ва уруғ экиш сифати буйича Давлат андозалари талабига тўла жавоб бериши керак.

Буни устидан давлат назорати ўрнатилиб, давлат уруғназорат инспекциялари фаолият кўрсатиб, юқори сифатли уруғлик билан хўжаликларни таъминлашига ёрдам кўрсатмоқда.

Юқори сифатли наводор уруғликни бирламчи уруғчилик хўжаликларида ўтказиладиган агротехник тадбирларни ўз муддатида сифатли қилиб ўтказилгандагина олиш мумкин.

Маълум бир нав уруғи ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йил давомида қайта экилиши натижасида навга хос бўлган қимматбаҳо хусусиятлар йўқолиб нав айний бошлайди.

Бунинг сабаби паст агротехникани қўлланилиши, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиши, уруғликни механик ва биологик ифлосланишидир.

Республикамизда бошоқли дон экинлари уруғчилигини такомиллаштирилган уруғчилик тизимини ишлаб чиқишига қарамасдан етиштирилаётган ғалла уруғи тула талаб даражасида эмас.

Бунинг сабаби етиштирилган уруғликни хўжаликларга транспортда ташиш, далага олиб бориш сеялкада бир наври экиб булгандан кейин сеялкани яхши тозаламасдан иккинчи нав уруғини экиш жараёнида айрим хўжаликларда нав аралашлишига, яъни уруғликни биологик ифлосланишига йўл қўйилмоқда.

Айрим фермер деҳқон хўжаликлари ижарага олинган ер майдонларида

давлат назоратидан ўтмаган, ўзи етиштирган ва сараланмаган уруғликни экиши натижасида ҳам уруғ сифати бузилмоқда.

Шундай салбий ҳолатлар содир бўлмаслиги учун қуйдагиларга амал қилиш керак:

Бошоқли дон экинлари, жумладан районлашган ва истиқболли буғдой навларидан суперэлита ва элита уруғларини етиштиришни шартнома асосида илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг филиаллари ҳамда тажриба станцияларига юклатилиши, шунингдек навлар устидан муаллифлар назоратини ўрнатиш энг яхши натижа беради.

Экиладиган уруғлик турли хил бегона утлар уруғларидан тозаланиб сараланган ва турли хил касалликларга қарши кимёвий воситалар билан ишланган кондицияси бўйича 1 класс уруғ талабига жавоб бериши керак.

Экилаётган уруғ меъёрини барча навлар учун бир хил килограммда (гектарига 180, 200, 250 кг) белгиламасдан, навларни биологик хусусияти, донининг катта кичиклиги ва тупроқ шароити ҳамда экиш муддатини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир нав учун гектарига экиладиган уруғ меъёрини млн.дона унувчан уруғ ва килограмм ҳисобида белгиланиши мақсадга мувофиқ. \

Кузги буғдойдан мўл ва юқори сифатли дон етиштиришда энг асосий эътиборни тубандагиларга қаратиш керак:

Ҳар бир хўжалик ўз тупроқ-иқлим шароити, минерал ўғитларни қуллаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашдаги молиявий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда нав танлаш.

Экиш учун юқори сифатли наводор уруғ тайёрлаш.

Буғдой экишни ҳар бир вилоят, туман ва хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароити учун мақбул муддатда ўтказиш.

Навнинг биологик хусусияти ва тупроқ унумдорлиги ҳамда тупроқнинг намлик билан таъминлаш даражасига қараб экиш меъёрини белгилаш ва ўртача ҳар бир гектар ер майдонига экиладиган уруғ 4,5-5,0 млн. дона унувчан уруғдан

кам булмаслигини таъминлаш керак.

Экиш мавсумини ўтказиш учун ерни экишга яхшилаб сифатли тайрёлаш. Республикамиз шароитида 60-65 фоиз майдонга бошокли дон экинлари ғўза қатор орларига экилади.

Бунда ғуза қатор ораларини культивация ёрдамида юмшатишдан олдин гектар ҳисобига 90 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити таъсир этувчи модда ҳисобида берилиб, культивация ёрдамида ернинг юза қисми юмшатилиб, экиш мавсумини сифатли ўтказиш.

Бугдой ўсув даврида органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш ва тупроқ намлигини дала нам сиғимига нисбатан 70-75 фоизда бўлишини таъминлаш.

Ўсув даврида бугдой экилган майдонларда учрайдиган касалликлар, бегона ўтлар ва ҳашоратларга қарши кураш олиб бориш.

Ғалла ўримиини қисқа муддатда тез ва сифатли қилиб 15-20 кунда ўтказиш.

Донни қайта ишлаш корхоналарини халқаро андозаларга мос келадиган ускуналар билан қайта жихозлаб бериш ва уларни малакали мутахассслар билан таъминлаш ишлари амалга оширилса ҳалқимизни етарли микдордаги сифатли дон ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилади.

Р. Сиддиқов. Бугунги кунда республикамиз ғаллакорларининг асосий вазифаларидан бири бошокли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришдан иборат.

Тупроқ ва иқлим шароитимиз хилма-хиллиги, сув танқислиги, кузги ёғингарчиликларнинг келиши кузги бугдойнинг етиштиришда ҳар бир ҳудуднинг тупро-иқлим шароитини ҳисобга олиш зарурдир.

Ғалла етиштириш технологияси ҳар бир минтақага хос бўлиб, ғалладан ўша шароитда юқори ва сифатли дон етиштиришга қаратилиши керак. Маълумки, ўтган йилнинг куз-қиш ойлари кейинги 20 йил давомида кузатилмаган об-ҳаво шароитини ўтказди. Айниқса, куз-қиш ойларининг илиқ, келиши ғалла

парваришига жиддий эътибор беришни тақазо этди. Ғалла, хусусан кузги бугдой уруғи мақбул муддатларда экилганда қишки тиним даврини 60-65 кундан кўп ўтказди. Бу йилги куз-қиш ойларининг ҳар йилгидан илиқ булиши ғалланинг биологик ривожланишини ўзгартирди. Ҳаво ҳарорати +3-5°C бўлганда ғалла қишки ти ним даврига ўтади.

Ғалла эрта муддатларда экилиб, 7-8 та ва ундан ортиқ туплаган, бўйи 15-20 смга етган ғаллаларга ишлов бермаслик лозим. Бундаймайдонларни қондириб суғормаслик ва ортиқча минерал ўғитлар билан озиклантирмаслик даркор.

Чунки ғалла эрта экилганда эрта унуиб чиқади, ҳаво ҳарорати етарли бўлганлиги сабабли қишгача яхши тупланиб, ҳатто ҳатто найчалашга ҳам улгиради.бундай ҳолат хужайралар таркибидаги шакар миқдорини камайиши натижасида ўсимлик совуққа чидамсиз бўлиб қолади ва оқибатда қишдан ёмон чиқади.

О.Амонов. Шунингдек бошоқли дон экинларида бир қатор касалликлар ҳам учрайди. Уларнинг асосийларига қоракуялар, ун-шудринг, занг ва доғланиш касалликларини киритиш мумкин. Шулардан бугунги кунда ғалла экинлари учун сариқ занг касаллиги ўта ҳавфли ҳисобланади. Сариқ занг ҳатто дон тўлиш фазасида учраганда ҳам 30-35 фоизгача ҳосил нобуд бўлади.

Бошоқли дон экинларининг зараркунандалардан ҳимоя қилишда кимёвий курашни ўз вақтида ўтказиш яхши самара беради.

Катта зара келтирувчи сўрувчи ҳашоратлардан шира, трпис, зарарли хасва, шилимшиқ қурт ҳисобланади.

М.Тўхсинов, А.Асронов ва Н. Отахоновларга (1999) кўра П.В.Денисов томонидан олиб борилган тажрибаларда уруғларнинг дала унувчанлиги 63.5% бўлганда ҳосилдорлик 11.4 ц/га ни, 70.7%-20.4 ц/га ни,74.5% да 29.6 ц/га ни ва 80.7% бўлганда 37.8 ц/га ни ташкил этган.

И.Мадрахимовга кўра (2010) уруғлик чигитларнинг унувчанлиги бўйича лабаратория шароитда олинган натижалар билан дала шароитидаги кўрсаткичлар

орасида катта фарқланишлар мавжуд бўлиб , кимёвий препарат ва физикави воситалар билан ишлов берилганда, айниқса П-4, Самара ва Гумат натрий препаратлари уруғларнинг дала унувчанлигини 1.6-16.6 % га оширган.

Иксанов М.И. Усманов С.А.(2007) Бирламчи уруғчилик ишлари , яъни элита уруғлари етиштириш нав муаллифлари-оригинаторлар томонидан амалга оширилиши лозимлиги, бунинг учун эса селекция муассасаларида элита уруғчилик компанияларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб таъкидлашади.

Ибрагимов П., Ибрагимов Ш.(2007) Янги ва районлашган ғўза навлари элита уруғларини етиштиришда янгича ёндошув, яни якка танловлар уруғлари билан синов намуналар уруғларини алоҳида делянкаларда экиш орқали юқори нав тозаллигига эришиш мумкинлиги туғрисида фикр бидиришади.

Автономов В.А., Буриева М., Кушалиев (2008) А., К. Сунъий зарарланган фон (илдиз чириш ва гоммоз) ва табиий зарарланган (вертицилез вилт) фонларда турли линиялар уруғлар унувчанлиги урганилганда, уруғлар унувчанлиги бир текис кучатлар ундириб олиш ва эртанги тулақонли пахта ҳосилини таъминловчи хусусият эканлигини таъкидлашади.

Элита уруғлар уруғчиликнинг асоси, яъни дастлабки босқичи бўлиб уруғлик фондининг генетик сифати (нав тозаллиги) элита уруғининг сифати ва унинг етиштириш усулларига боғлиқ.

Элита уруғларини етиштириш услубларини такомиллаштириш ёки уни ўзгартириш бўйича бир қатор тадқиқотчилар ўз фикрини билдиришган. Жумладан, Мередов Т. (1990), Қўзибоев Ш. ва бошқалар (2005) элита уруғларни оммавий танлов асосида авлоди бўйича текшириб кўрмасдан амалга оширишни таклиф этадилар.

“Одатда, ҳар қандай экин навлари хўжалик-биологик хусусиятларини жуда узоқ муддат мустаҳкам сақлаб туриши мумкин. Уларнинг ҳосилдорлигини ифодалувчи белгилари бўйича рўй берадиган ирсий ўзгаришлар оммавий тусда эмас, балки якка тартибда жуда оз ҳолларда фақат айрим ўсимликларда содир

бўлади холос. Шунинг учун у табиий танлашнинг жуда узоқ муддатли таъсирисиз навнинг тез айланишига олиб кела олмайди. Баъзан, элита уруғлари ишлаб чиқаришда узоқ давр мобайнида фойдаланилган паст репродукцияли, аммо, наводорлиги қониқарли бўлган уруғларга нисбатан анча кўп ҳосил бериш қобилиятига эга эканлиги аниқланган. Аммо айрим ҳолларда элита уруғларининг ҳосилдорлиги бўйича бундай устунликка эга бўлиши қисқа муддатли ҳодиса бўлиб, бу элита хўжаликлар ва илмий-тадқиқот муассасаларида қўлланиладиган агротехник шароитларнинг яхши бўлишига боғлиқ. Демак, ҳар бир уруғчилик хўжаликда юқори сифатли уруғлар шаклланишига имкон берадиган қулай шароитларни барпо этиш керак. Йил сайин қулай шароитда етиштирилган уруғлар узоқ йиллар давомида маҳсулдорлиги бўйича элита уруғидан ҳеч қолишмайди.

Турли сабаблар таъсирида навларнинг хўжалик-биологик сифатларини ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслиги учун нав янгилаш кўзда тутилар экан, унинг қандайдир даврий муддатини белгилаш керак. Чунки уруғларнинг айланиш жараёни турли минтақаларда ҳар хил муддатларда ва турли навларда ҳар хил тезликда содир бўлади. Айрим хўжаликларда 2 репродукция, айрим ҳолларда эса ҳатто 1 репродукция уруғлари шундай даражада ифлосланиб ёки касалланиб улар уруғлик сифати бўйича яроқсиз бўлиб қолади.

Маълумки, уруғлик сифати уларнинг наводорлик ва экинбоплик хусусиятлари орқали белгиланади. Ушбу хусусиятлар бир нечта назорат кўрсаткичларидан иборат бўлиб, уларнинг бевосита ҳосилдорликка таъсири тўғрисида хилма-хил фикрлар мавжуд.

Одатда, ҳосилдорлик тупроқ-иқлим шароитлари, ўсимликларни ўстиришда агротехник тадбирлари, ҳамда маълум бир навнинг уруғлик сифатларига боғлиқ. Лекин, ишлаб чиқариш шароитида керакли сифат ва юқори ҳаётчанлик потенциалига эга бўлган уруғликни танлаш усуллари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шу боис уруғларни ажратишнинг янги принципларни жорий қилиш лозим (Нариманов, 2000).

Айдаров Ш.Г. ва бошқаларнинг (2007) маълумотларига кўра бугунги кунда юқори экиш ва ҳосилдорлик сифатларига эга бўлган уруғлик чигитларни қайси хусусиятлари бўйича ажратиш муаммоси ҳали ҳал этилмаган. Баъзи муаллифлар чигитларни нисбий оғирлиги бўйича, бошқалари эса йириклиги, 1000 дона оғирлиги бўйича ажратишни тавсия қилишади.

Жумладан, айрим тадқиқотчилар донли экинларда элита уруғларидан кейинги авлод (репродукция) уруғларини экиш натижасида ҳосилдорликнинг пасайишини кузатишган бўлишса, бошқа бирлари эса репродукциялар орасида ҳосилдорлик бўйича сезиларли фарқ бўлмаганлигини аниқлашган. (Лукьяненко А.П., Насыпайко В.М. 1974, Гуляев Г.В. 1993). Бундан ташқари, Саратовлик селекционерлар тажрибаларида баҳорги буғдойнинг бирламчи уруғчилик кўчатзоридан танланган уруғлар ҳосилдорлиги уруғ кўпайтириш кўчатзооридаги ҳосилдорликдан бирмунча кам бўлишини аниқлашган. Фақат бир неча бор такрор экишлар натижасида янги генетик мувозанат шакллангач уларнинг ҳосилдорлиги тенглашади.

Узоқ муддат кўпайтириш натижасида ўз ўзидан чангланадиган донли экинларнинг қимматли белгиларини барқарор сақлаб қолиши, академик Гуляев Г.В.(1995) томонидан навларни (уруғларни) янгилашни, апробация-таҳлиллари яъни муаян навнинг генетик тузилишини нисбатан аниқ тавсифлаш натижасида ҳал этилиши кераклиги таклиф этилди. Шунинг учун ҳам уруғчилик жараёнида муаян навнинг генетик тузилишига агротехник тадбирлар ва атроф муҳитнинг таъсири борасида бирор бир аниқ хулоса қилиш қийин.

Ғайбуллаев С. Ғ. Ғайбуллаев Ғ.С.ларга (2007) кўра ғаллачиликни ривожлантириш учун биринчи навбатда уруғчиликни тубдан яхшилаш, турли тупроқ– иклим шароитига мос бўлган ҳосилдор ва сифатли дон берадиган навларни танлаш, агротехника қоидаларига тўлиқ риоя қилиш билан билан бирга юқори репродукцияли уруғларни экиш ғалла ҳосилдорлигини 25–30 фоизга оширади.

Шундай қилиб уруғлардан самарали фойдаланиб, юқори ҳосил ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш учун ғаллачиликда сифат кўрсаткичлари кафолатланган юқори сифатли уруғлар билан таъминлаши лозим.

I.6.Тадқиқотда қўлланилган услубнинг қисқача тавсифи:

Тадқиқотни амалга ошириш учун Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига қарашли Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган “Чиноз” нав синаш станцияси танлаб олинди.

Тажрибани бажарилиши учун бошоқли дон экинларининг супер элита ва 2-репродукция уруғларни таққослаб ўрганиш мақсадида, Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида яратилган Жайхун (Замин-1) нави ҳамда Россиянинг П.П. Лукьяненко номидаги Краснодар илмий тадқиқот институтида яратилган Таня ва Кума навларини синаш белгиланди.

Шундай қилиб таққослаб синаш учун 1 та маҳаллий ва 2 та хорийжий навлар танбал олинди.

Ғалланинг Таня, Кума навларининг супер элита уруғлари Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг, маҳаллий Жайхун (Замин-1) нави уруғи эса ушбу илмий текшириш институтининг Тошкент вилояти филиалининг супер элита уруғи олиш учун экилган майдон ҳосилидан тайёрланган уруғлар тажрибани ўтказиш учун келтирилди.

2-репродукция уруғлар эса “Бошоқли дон экинлари наводор уруғлик майдонларини дала кўригидан ўтказиш ва уни хужжатлаштириш бўйича услубий қўлланма (2011)” асосида “Чиноз” нав синаш станциясида 2011 йилда 2012 йил ҳосили учун экилган Таня, Кума, Жайхун (Замин-1) навларининг 1-репродукция уруғларинидан апробациядан ўтказиб тегишли нав тозалигига эга бўлган уруғлар тайёрланди. Мазкур нав уруғларини тайёрлашда навнинг муаллифлик тавсифига

мувафик дала кўригидан ўтказилди.

ТАНЯ нави П.П. Лукьяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтининг селекцион нави бўлиб. Биологик кузги. Дони ўртача, 1000 донининг ўртача оғирлиги 38,9-42,8 г. Нав ярим калта бўйлилар гурухига киради. Ўсимлик бўйи 83-100 см, ётиб қолишга ва дон тўкилишига қишга чидамлилиги 5,0 балл таш кил қилган.

Суғориладиган майдонларда ўртача ҳосилдорлиги 42,7-58,3 цҳга. Юқори дон ҳосилдорлиги Республикамизнинг нав синаш шохобчаларида 60,4 цҳга ташкил қилган.

Нав Республикамизнинг жанубий минтақаларда 203 кунда, қолган вилоятларда 211-218 кунда пишиб етилади. Нав касаллик ва зараркундаларга чидамли.

Навнинг технологик сифат кўрсаткичлари яъни клейковина 23,0-26,0 %, ИДК 95-100 ед, оксил миқдори 13,4%. Умумий нон баҳоси эса 2,0-4,0 баллга эга.

КУМА нави П.П. Лукьяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтининг селекцион нави. Биологик кузги. Дони ўртача. 1000 донининг ўртача оғирлиги 40,9-42,2 г.

Нав калта бўйлилар гурухига киради, бўйи 75-100 см, ётибқолишга ва дон тўкилишига, қишга чидамлилиги 5.0 баллда баҳоланади.

Суғориладиган майдонларда ўртача ҳосилдорлиги 43,0-59,0 цҳга. Юқори дон ҳосилдорлиги Республикамизнинг нав синаш шохобчаларида 62,0 цҳга ташкил қилган.

Нав Республикамизнинг жанубий минтақаларда 190-203 кунда, қолган вилоятларда 209-218 кунда пишиб етилади.

Нав кассаликларга чидамлилиги кучсиз (сарик занг) (10-24%).

Навнинг технологик сифат кўрсаткичлари яъни клейковинаси 23,0-26,0 % гача, ИДК 95-100 ед, оксил миқдори 12,6%. Умумий нон баҳоси 2,0-4,0 балл билан баҳоланган.

Жайхун (Замин-1) нави Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва

уруғчилиги илмий тадқиқот институти селекцион нави. Грекум турига мансуб. Биологик кузги.

Дони ўртача. 1000 донининг ўртача оғирлиги 40.9-44,0 г. Нав ўрта бўйлилар гуруҳига киради, бўйи ўртача 98 - 102 см. Нав ётибқолишга ва дон тўкилишига чидамлилиги 5.0 баллда баҳоланади. Қишга чидамлилиги 4.0-5.0 балл. Эрта пишар навлар гуруҳига киради. Вегетация даври 193 кундан 230 кунгача.

Суғориладиган майдонларда ўртача ҳосилдорлиги 49,1-70,0 цхга. Юқори дон ҳосилдорлиги Республикамизнинг нав синаш шохобчаларида 60,4 цхга ташкил қилган

Нав касаллик ва зараркунандаларга чидамли

Навнинг технологик сифат кўрсаткичлари қуйдагича: клейковины 23,0-24,0 %, ИДК 100-110 ед, оқсил 12,2-14,3 % ташкил қилади.

Авлодли уруғларни таққослаб синаш учун схемага асосан 2012 йилнинг 25 октябрида Чиноз нав синаш станциясининг унимдор ҳамда сув билан яхши таъминланадиган ер майдонига экилди.

Экиш схемасида навлар рендомизация услубида жойлаштирилади.

Схемада навлар 3 та қайтариққа жойлаштирилиб ҳар бир нав узининг авлоди билан таққослаш учун ёнма-ён экилди.

Қайтариқдаги делянкалар сони 18 та бўлиб, битта делянка узунлиги 14 метр эни эса 3.6 метр бўлиб жами битта делянка ҳажми 50² метрни ташкил қилади.

Тадқиқотдаги навларнинг Чиноз нав синаш станцияси даласига экиш
СХЕМАСИ

Супер элита	Тания	Жайхун (Замин-1)	Кума
2-репродукция	Тания	Жайхун (Замин-1)	Кума

1-схема

Химоя ҳудуди					
Йўлак					
1-катарик					
1	2	3	4	5	6
Супер элита	2-репродукция	Супер элита	2-репродукция	Супер элита	2-репродукция
Тания	Таня	Жайхун (Замин-1)	Жайхун (Замин-1)	Кума	Кума
Йўлак					
2-катарик					
7	8	9	10	11	12
Супер элита	2-репродукция	Супер элита	2-репродукция	Супер элита	2-репродукция
Жайхун (Замин-1)	Жайхун (Замин-1)	Кума	Кума	Таня	Таня
Йўлак					
3-катарик					
13	14	15	16	17	18
Супер элита	2-репродукция	Супер элита	2-репродукция	Супер элита	2-репродукция

	Кума	Кума	Таня	Таня	Жайхун (Замин-1)	Жайхун (Замин-1)	
	Химоя ҳудуди						

Бугунги кунда республикамиз ғаллакорларининг асосий вазифаларидан бири бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришдан иборат.

Тупроқ ва иқлим шароитимиз хилма-хиллиги, сув танқислиги, кузги ёғингарчиликларнинг келиши кузги буғдойнинг етиштиришда ҳар бир ҳудуднинг тупро-иқлим шароитини ҳисобга олиш зарурдир.

Ғалла етиштириш технологияси ҳар бир минтақага хос бўлиб, ғалладан ўша шароитда юқори ва сифатли дон етиштиришга қаратилиши керак. Маълумки, ўтган йилнинг куз-қиш ойлари кейинги 20 йил давомида кузатилмаган об-ҳаво шароитини ўтказди. Айниқса, куз-қиш ойларининг илиқ, келиши ғалла парваришига жиддий эътибор беришни тақазо этди. Ғалла, хусусан кузги буғдой уруғи мақбул муддатларда экилганда қишки тиним даврини 60-65 кундан куп ўтказди. Бу йилги куз-қиш ойларининг ҳар йилгидан илиқ булиши ғалланинг биологик ривожланишини ўзгартирди. Ҳаво ҳарорати +3-5°С бўлганда ғалла қишки ти ним даврига ўтади.

Ғалла эрта муддатларда экилиб, 7-8 та ва ундан ортиқ туплаган, бўйи 15-20 см. га етган ғаллаларга ишлов бермаслик лозим. Бундай майдонларни қондириб суғормаслик ва ортиқча минерал ўғитлар билан озиклантирмаслик даркор.

Чунки ғалла эрта экилганда эрта унуиб чиқади, ҳаво ҳарорати етарли бўлганлиги сабабли қишгача яхши тупланиб, ҳатто ҳатто найчалашга ҳам улгиради.бундай ҳолат хужайралар таркибидаги шакар миқдорини камайиши натижасида ўсимлик совуққа чидамсиз бўлиб қолади ва оқибатда қишдан ёмон

чиқади. (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали №1.2013 Р. Сиддиқов).

Тажрибамиздаги ғалла навларининг сарғайиш аломати кузатилган делянкаларга 12 кг/га дан (физик ҳолда) корбамид эритмаси билан суспензия бердик.

Бундан ташқари суғориш тармоқлари олдига яъни дала бошига шарбат ўралари қазилиб гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилди.

Ғалланинг азотли ўғитлар билан феврал ойининг ўрталарида 1-озиклантирдик (йиллик меъёри 180-210 кг/га соф ҳолда). Ушбу ойда навларнинг ўсиш ва риважланиш даврларини аниқлаш мақсадида тўла туплаган 3-4 барг ва 1-2 барг ҳосил қилган делянкаларни мониторинг қилдик.

Минерал ўғитларбилан озиқлантирилгандан сўнг жамғарилган маҳаллий ўғитнинг 60-70 фоизи шарбат усулида озиқлантирилди.

Азотли ўғитлар билан 3-озиклантириш апрель ойининг биринчи 10 кунлигида йиллик меъёрнинг 30—35 фоизи ёки 60-70 кг соф ҳолда (туплаш даврининг охири найчалаш даврининг бошланиш фазасида) берилди.

Ўғитнинг қолган қисмини суспензия тариқасида туплаш, найчалаш фазаларида 7-8 кг, бошоқдаш фазаси олдидан 8-10 кг ҳисобида пуркалди.

Суспензияни пуркашда фақат кар бамид ўғти ёки биостимуляторлар билан қўшиб қулланилди.

Жумладан бегона ўтларга қарши гранстар гербицидини 15-20 гр/га ҳисобида қўлланди.

Бошоқли дон экинларининг зараркунандалардан ҳимоя қилишда кимёвий курашни ўз вақтида ўтказиш яхши самара беради.

Катта зара келтирувчи сўрувчи ҳашоратлардан шира, трпис, зарарли хасва, шилимшиқ курт ҳисобланади.

Тадқиқотимиздаги авлодли нав уруғлари экилган далага Бульдок 2,5 фоиз 0,5 л/га ҳамда карате 5 фоизли 0,15-0,20 л/га билан ишланиб қарши курашилди.

Шунингдек бошоқли дон экинларида бир қатор касалликлар ҳам учрайди.

Уларнинг асосийларига қоракуялар, ун-шудринг, занг ва доғланиш касалликларини киритиш мумкин. Шулардан бугунги кунда ғалла экинлари учун сариқ занг касаллиги ўта ҳавфли ҳисобланади. Сариқ занг ҳатто дон тўлиш фазасида учраганда ҳам 30-35 фоизгача ҳосил нобуд бўлади.

Шунинг учун биз асосан сариқ занг касаллигига қарши курашиб далага фоликур БТ 0,3-0,5 л/га фунгициди билан ишлов бердек.

Юқорида қайд этилган агротехник чора-тадбирлар мажмуини сифатли ва белгиланган муддатларда оғишмай амалга оширдик. Бунинг эвазига мўл ва сифатли ҳосил етиштирдик.

Зеро ғалладан олинадиган юксак хирмон ризқимиз бутунлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, фаровонлигимиз заминидир. (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали №4.201 О.Амонов)

I.7.Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

Ушбу тадқиқотнинг бажарилиши натижасида буғдойнинг супер элита, элита, биринчи, иккинчи ва учинчи репродукциялар уруғларининг экинбоплик хусусиятлари ҳамда ўсиш ва ривожланиш фазалари, ҳосилдорлиги, доннинг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинади ва уруғ репродукцияларини экиш натижасида хўжаликлар иқтисодий самарадорлиги аниқланади.

Натижада иккинчи авлод уруғларини экиши ҳисобига экилаётган навларнинг сонини қисқартириш ҳамда фермер хўжаликларда уруғлик нархини тежаш ҳамда хориждан олиб келинаётган супер элита уруғларининг камайитириш ва ушбу уруғларни сотиб олишга сарфланаётган валюта маблағлари иқтисод қилиш имконияти пайдо бўлади.

Уруғликнинг наводорлик сифатлари – муайян нав уруғининг генетик жиҳатидан қанчалик тоза эканлигини билдирувчи кўрсаткичлар мажмуидир.

Уруғликнинг наводорлик сифатлари уруғ таркибидаги мазкур навга хос бўлган ўсимликлар миқдори билан белгиланиб, мазкур навга хос бўлмаган, айниган ва бепушт ўсимликлар сони белгиланган талаблардан ошмаслиги талаб

этилади.

Тажрибани ўтказиш учун тайёрланган Таня, Кума, Жайхун навларини супер элита уруғларининг нав тозалиги 99,9 % ни 2-репродукция уруғларида эса 99,5 % ни ташкил қилди.

Уруғларнинг унувчанлиги уларнинг экинбоплик сифатларининг асосий кўрсаткичларидан бўлиб, бунда уруғ тиним ҳолатидан актив ҳаёт фаолиятига ўтади.

Тажрибамиздаги навларнинг уруғларини лаборатория шароитида унувчанлигини аниқлаганимизда супер элита уруғларида қуйдагича

(1-жадвал): Таня навида 95 %, Кума навида 93 %, Жайхун навида 94 % эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари 2-репродукция уруғларида унувчанлик кўрсаткичи қуйдагича бўлди: Таня навида 94,0 %, Кума навида 92,5 %, Жайхун 93,5 % бўлди.

Уруғ сифати кўпинча 1000 та дон вазни кўрсаткичи орқали тавсифланади.

Шунинг учун тажрибамиздаги навларнинг 1000 та донининг оғирлигини Давлат комиссиясига қарашли Кимё технология лабораториясида аниқланди. Аниқланган маълумотларга кўра супер элита уруғларида яъни Таня навида 40.1 гр, Кума навида 38.9 гр, Жайхун навида 40.5 гр ни ташкил қилди.

2-репродукция уруғларида эса Таня навида 40.0 гр, Кума навида 38.5 гр, Жайхун навида 39.5 гр лиги аниқланди.

Навларни экишдан олдин намлиги аниқланганда супер элита уруғларида Таня ва Кума навларида 10.5 %, Жайхун навида 11.0 % ни ташкил қилди.

2-репродукция уруғларида Таня ва Кума навларида 10.5 % ҳамда Жайхун навида 10.0 % эканлиги аниқланди.

Тажрибани ўтказиш учун тайёрланган навларнинг авлодли
уруғларнинг сифат кўрсаткичлари

Нав ва уруғларнинг сифат кўрсаткичлари	Таня		Кума		Жайхун (Замин-1)	
	Супер элита	R-2	Супер элита	R-2	Супер элита	R-2
Нав тозалиги, %	99,9	99,5	99,9	99,5	99,9	99,5
Уруғлар унувчанлиги, %	95,0	94,0	93,0	92,5	94,0	93,5
Намлиги, %	10,5	10,5	10,5	10,5	11,0	10,0
1000 та доннинг оғирлиги, гр	40,1	40,0	38,9	38,5	40,5	39,5

1-жадвал

Бундан ташқари лаборатория шароитида навларнинг 1000 та донининг
вазни аниқланди. (2-жадваллар)

Барча ўрганилган навларнинг 1000 та донининг вазни супер элита
уруғларида Кума навида 38,3 гр, Таня навида 38,7 гр, Жайхун (Замин-1) навида
43,0 гр бўлди.

2-репродукция уруғларида эса навларнинг 1000 та донининг вазни Кума
навида 37,3 гр, Таня навида 39,0 гр, Жайхун (Замин-1) 34,0 гр ни ташкил қилди.

Олинган натижаларга кўра супер элита уруғларининг 1000 та донининг
вазни 2-репродукция уруғларининг 1000 та донининг вазнидан юқори эканлиги

аниқланди.

Бугдой навларнинг супер элита ва иккинчи репродукция уруғларининг
лаборатория шароитида 1000 та донининг вазни

2-жадвал

№		Кума		Таня		Жайхун	
		Супер элита	R-2	Супер элита	R-2	Супер элита	R-2

1	1000 та доннинг вазни, гр	38	38	40	40	43	34
2		38	38	37	38	44	33
3		39	36	39	39	42	35
Ўртачаси:		38,3	37,3	38,7	39,0	43,0	34,0

Лаборатория шароитида унувчанлиги аниқланди. **(3-жадвал)**

Бунга кўра супер элита уруғларида унувчанлик Кума навида 92,7 фоиз, Таня навида 91,7 фоиз, Жайхун (Замин-1) навида 96,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2-репродукция уруғлари унувчанлиги Кума навида 99,0 фоиз, Таня навида 97,7 фоиз, Жайхун (Замин-1) навида эса 97,7 фоиз эканлигини кўсатди.

Шундай қилиб супер элита уруғларининг унувчанлиги 2-репродукция уруғларига нисбатан унувчанлиги Кума навида 6,3 фоизга, Таня навида 6,0 фоизга, Жайхун навида эса 1,7 фоизга паст эканлиги маълум бўлди.

Бугдой навларнинг супер элита ва иккинчи репродукция уруғларининг лаборатория шароитида унувчанлиги							
3-жадвал							
№	Унувчанлиги, %	Кума		Таня		Жайхун	
		Супер элита	R-2	Супер элита	R-2	Супер элита	R-2
1		95	100	91	97	97	98
2		88	98	93	97	94	98
3		95	99	91	99	97	97
	Ўртачаси:	92,7	99,0	91,7	97,7	96,0	97,7

Тажрибадаги ғалла навларнинг супер элита ва 2-репродукция уруғлари

ҳосилдорлиги.

Маҳаллий Жайхун буғдой навининг супер элита ва 2-репродукция уруғлари 50 м² дан 3 қайтариқда экилган эди. Ушбу экилган авлодли уруғларнинг ҳар бир қайтариқдаги ҳосилдорлиги аниқланди. **(4-жадвал)**

Бунга кўра, супер элита уруғлари 1-қайтариқда 24,5 центнер, 2-қайтариқда 25,5 кг, 3-қайтариқда 24,7 кг ҳосилдорликка эга бўлишди.

2-репродукция уруғлари эса 1-қайтариқда 24,9 кг, 2-қайтариқда 25,2 кг, 3-қайтариқда 25,1 кг ҳосил берди.

Навнинг авлодли уруғларининг қайтриқлар бўйича ўртача ҳосилдорлиги супер элита уруғларида 24,9 кг/га, 2-репродукция уруғларида 25,1 кг/га ташкил қилди.

Бу кўрсаткичларни гектар ҳисобида ҳисобласак супер элита уруғлари 1 гектарига 49,8 центнер ҳамда 2-репродукция уруғлари эса 50,1 центнер ҳосилдорликка эга эканлиги намаён бўлди.

Тажрибадаги ғалла навларнинг супер элита ва 2-репродукция

уруғлари ҳосилдорлиги.

4-жадвал

Нав номи	Қайтариқлар	Супер элита		R-2	
Жайхун (Замин-1)		1 та делянкадаги ҳосилдорлиги кг	1 га/ц	1 та делянкадаги ҳосилдорлиги кг	1 га/ц
	1	24,5	49,0	24,9	49,8
	2	25,5	51,0	25,2	50,4
	3	24,7	49,4	25,1	50,2
Ўртача ц/га:		24,9	49,8	25,1	50,1

Шунингдек Тая навининг авлодли уруғларини ҳам қайтариқлар бўйича ҳосилдорлиги аниқланди. (5-жадвал)

Супер элита уруғларида 1-қайтариқда 22,5 кг, 2-қайтариқда 25,5 кг, 3-қайтариқда 23,0 кг ҳосилга эга бўлди.

2-репродукция уруғларида эса 1-қайтариқда 22,6 кг, 2-қайтариқда 25,2 кг, 3-қайтариқда 24,1 кг эканлиги аниқланди.

Авлодли уруғларининг ўртача ҳосилдорлиги қайтриқлар бўйича супер элита уруғларида 23,7 кгни, 2-репродукция уруғларида 24,0 кгни ташкил қилди.

Ушбу қайтариқлардаги Тая навининг уруғларини гектар ҳисобида аниқласак супер элита уруғлари 1 гектарига 47,3 центнер, 2-репродукция уруғлари эса 47,9 центнер ҳосилга эга эканлиги маълум бўлди.

Тажрибадаги ғалла навларнинг супер элита ва 2-репродукция уруғлари ҳосилдорлиги.

5-жадвал

Нав номи	Қайтариқлар	Супер элита		R-2		
Таня		1 та делянкадаги ҳосилдорлиги кг	1 га/ц	1 та делянкадаги ҳосилдорлиги кг	1 га/ц	
		1	22,5	45,0	22,6	45,2
		2	25,5	51,0	25,2	50,4

	3	23,0	46,0	24,1	48,2
Ўртача ц/га:		23,7	47,3	24,0	47,9

Бундан ташқари Кума навининг авлаодли уруғларини қайтариқлар бўйича ҳосилдорлиги аниқладик. **(6-жадвал)**

1-қайтариқда супер элита уруғларида 23,5 кг, 2-қайтариқда 23,2 кг, 3-қайтариқда 24,0 кг ҳосилга эга эканлиги аниқланди.

2-репродукция уруғларида эса 1-қайтариқда 21,5 кг, 2-қайтариқда 24,9 кг, 3-қайтариқда 24,1 кг ҳосили борлиги намоён бўлди.

Қайтриқлар бўйича авлодли уруғларининг ўртача ҳосилдорлиги супер элита уруғларида 23,6 кгни, 2-репродукция уруғларида 23,5 кгни ташкил қилди.

Тажрибамизда экилган Кума навининг авлодли уруғларини гектар ҳисобида кўтариб ҳисобласак супер элита уруғлари 1 гектарига 47,1 центнер, 2-репродукция уруғлари эса 47,0 центнер ҳосилдорлиги эга эканлиги маълум бўлди.

Тажрибадаги ғалла навларнинг супер элита ва 2-репродукция уруғлари ҳосилдорлиги.

6-жадвал

Нав номи	Қайтариқлар	Супер элита		R-2	
Кума		1 та делянкадаги ҳосилдорлиги кг	1 га/ц	1 та делянкадаги ҳосилдорлиги кг	1 га/ц
	1	23,5	47,0	21,5	43,0
	2	23,2	46,4	24,9	49,8
	3	24,0	48,0	24,1	48,2
Ўртача ц/га:		23,6	47,1	23,5	47.0

Бундан кўриниб турибдики 2-репродукция уруғларининг ҳосилдорилиги супер элита уруғларига тенг ёки юқори бўлиши намоён бўлди.

I.8.Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Уруғлик сифати, унинг наводорлик ва экинбоплик хусусиятлари орқали белгиланиши маълум. Ушбу хусусиятлар бир нечта назорат кўрсаткичларидан иборат бўлиб, уларнинг бевосита ҳосилдорликка таъсири тўғрисида хилма-хил фикрлар мавжуд. Жумладан, айрим тадқиқотчилар донли экинларда элита

уруғларидан кейинги авлод (репродукция) уруғларини экиш натижасида ҳосилдорликнинг пасайишини кузатишган бўлишса, бошқа бирлари эса репродукциялар орасида ҳосилдорлик бўйича сезиларли фарқ бўлмаганлиги аниқлашган. Бундан ташқари, Саратовлик селекционерлар тажрибаларида баҳорги буғдойнинг бирламчи уруғчилик кўчатзоридан танланган уруғлар ҳосилдорлиги уруғ кўпайтириш кўчатзооридаги ҳосилдорликдан бирмунча кам бўлишини аниқлашган.

Фақат бир неча бор такрор экишлар натижасида янги генетик мувозанат шакллангач уларнинг ҳосилдорлиги тенглашган.

Узоқ муддат кўпайтириш натижасида ўз ўзидан чангланадиган донли экинларнинг қимматли белгиларини барқарор сақлаб қолиш, академик Гуляев Г.В (1995) томонидан навларни (уруғларни) янгилаш, апробация таҳлиллари яъни муайян навнинг генетик тузилишини нисбатан аниқ тавсифлаш натижасида ҳал этилиши кераклилиги таклиф этилди. Шунинг учун ҳам уруғчилик жараёнида муайян навнинг генетик тузилишига агротехник тадбирлар ва атроф-муҳитнинг таъсири борасида бирор бир аниқ хулоса қилиш қийин.

Ғайбуллаев С.Ғ, Ғайбуллаев Ғ.С (2007) кўра ғаллачиликни ривожлантириш учун биринчи навбатда уруғчиликни тубдан яхшилаш, турли тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган ҳосилдор ва сифатли дон берадиган навларни танлаш, агротехника қоидаларига тўлиқ риоя қилиш билан бирга юқори авлод уруғларни экиш ғалла ҳосилдорлигини 25-30 фоизга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида”ги қонунида “Экинбоплик хусусияти” уруғларнинг экишга қанчалик яроқли эканлигини билдирувчи кўрсаткичлар мажмуидир.

Уруғликнинг наводорлик сифатлари уруғ таркибидаги мазкур навга хос бўлган ўсимликлар миқдори билан белгиланиб, мазкур навга хос бўлмаган, айниган ва бепушт ўсимликлар сони белгиланган шартлардан ошмаслиги талаб этилади.

Бу талаб қуйидагича этиб белгиланган:

1-категория уруғлар учун:

Супер элита ва элита уруғлар-99,7 %, биринчи, иккинчи ва учинчи авлод уруғлар-99,5 %.

Турли сабаблар таъсирида навларнинг хўжалик-биологик сифатларининг ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик учун нави (уруғ) янгилаш кўзда тутилар экан, унинг қандайдир даврий муддатини белгилаш зарур. Чунки уруғларнинг айниш жараёни турли минтакаларда ҳар хил муддатларда ва турли навларда ҳар хил тезликда содир бўлади. Айрим хўжаликларда 1 репродукция, айрим ҳолларда эса хатто элита авлодди уруғлик майдонлар шундай даражада ифлосланиб ёки касалланиб улар уруғлик сифати бўйича яроқсиз бўлиб қолади.

Республикада ҳам ана шу кўрсаткичларининг донли экинларда турли навлар ва уруғ авлодларининг уларнинг экинбоплик хусусиятлари, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири борасида аниқ фикр ва тавсияларнинг йўқлиги туфайли аксарият фермерлар ва деҳқонлар нархи қиммат бўлган юқори репродукция: супер элита ва элита уруғларини экишмоқда. Натижада олинадиган маҳсулот таннархининг юқори бўлиб кетиши, даромаднинг эса паст бўлишига олиб келади.

Ваҳоланки, юқори репродукцияли уруғлар фақат ундан кейинги авлод уруғларни етиштириш учун экилиши талаб этилади. Уруғчиликка ихтисослашмаган фермерларга супер элита ва элита уруғ экишнинг ҳожати борми? Чунки супер элита уруғнинг нархи 2-авлод уруғлик нархидан деярли уч баробар қиммат.

Шунинг учун биз “Ғаллачиликда иккинчи репродукция уруғларининг ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш асосида, уруғчилик самарадорлигини ошириш” мавзусида тадқиқот ишларини ўтказдек.

Ушбу тадқиқотнинг бажарилиши натижасида буғдойнинг супер элита, элита, биринчи, иккинчи репродукциялар уруғларининг ўсиш ва ривожланиш фазалари, ҳосилдорлиги таҳлил қилинди ва уруғ репродукцияларини экиш натижасида

хўжаликлар иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари юқори авлодли уруғларни экмасдан, 2-репродукция уруғларини экиши ҳисобига, хориждан олиб келинадиган супер элита уруғларининг миқдорини камаяди ва ушбу уруғларни сотиб олишга сарфланаётган валюта маблағлари иқтисод қилиш имконияти пайдо бўлади.

II-БОБ. Асосий қисм

Республикамизнинг ғалла майдонларида экилиб келинаётган буғдойнинг Жайхун (Замин-1), Таня ва Кума навларининг супер элита ва 2-репродукция уруғларини экинбоплик хусусиятлари ҳамда ўсиш ва ривожланиш фазалари, ҳосилдорлигини таққосланиб ўрганиш ва таҳлил қилиш учун Қишлоқ хўжалик

экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига қарашли “Чиноз” нав синаш станциясида тадқиқотимизни ўтказдек.

Тажрибани бажарилиши учун бошоқли дон экинларининг супер элита ва 2-репродукция уруғларни таққослаб ўрганиш мақсадида, Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида яратилган буғдойнинг Жайхун (Замин-1) нави ҳамда Россиянинг П.П. Лукьяненко номидаги Краснодар илмий тадқиқот институтининг Таня ва Кума навларини авлодли уруғларини таққослаб синаш белгиланди.

Шундай қилиб таққослаб синаш учун 1 та маҳаллий ва 2 та хорийжий навлар танбал олинди.

Ғалланинг Таня, Кума навларининг супер элита уруғлари Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтидан, маҳаллий Жайхун (Замин-1) нави уруғи эса ушбу илмий текшириш институтининг Тошкент вилояти филиалидан келтирилди.

2-репродукция уруғлар эса “Чиноз” нав синаш станциясида 2011 йилда 2012 йил ҳосили учун экилган Таня, Кума, Жайхун (Замин-1) навларининг 1-репродукция уруғларидан, 2-репродукция уруғлари тайёрланди.

Авлодли уруғларни таққослаб синаш учун схемага асосан 2012 йилнинг 25 октябрида Чиноз нав синаш станциясининг унимдор ҳамда сув билан яхши таъминланадиган ер майдонига экилди.

Экиш схемасида навлар рендомизация услубида жойлаштирилади.

Схемада навлар 3 та қайтариққа жойлаштирилиб ҳар бир нав ўзининг авлоди билан таққослаш учун ёнма-ён экилди.

Қайтариқдаги делянкалар сони 18 та бўлиб, битта делянка узунлиги 14 метр эни эса 3.6 метр бўлиб жами битта делянка ҳажми 50² метрни ташкил қилади.

Буғдой навларининг ўсиши ва ривожланиш фазалари фенологик кузатувлар орқали дала журналида қайд қилиниб ўрганилди.

Фенологик кузатувларда шу нарса аниқ бўлдики Жайхун навининг супер

элита уруғларида 205 кунда, Таня нави 211 кунда, Кума нави эса 205 кунда пишиб етилди. 2-репродукция уруғларида Жайхун нави 207 кунда, Таня нави 212 кунда, Кума нави эса 206 кунда пишиб етилди.

Навларнинг авлодли уруғларида вегетация даври яъни униб чиққандан то пишиб етилгунга қадар бўлган кунлар ўртасида катта фарқ бўлмади.

Бундан ташқари навларнинг авлодли уруғлик майдонлари 2013 йил 25 май куни апробация кўригидан ўтказилди. Бунга кўра навлар авлодли уруғларининг нав тозалиги 99 фоиз эканлиги аниқланди.

Тажрибамиздаги ғалла навларининг озиқлантириш мақсадида, сарғайиш аломати кузатилган делянкаларга 12 кг/га дан (физик ҳолда) корбамид эритмаси билан суспензия бердик.

Бундан ташқари суғориш тармоқлари олдига яъни дала бошига шарбат ўралари қазилиб гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилди.

Ғалланинг азотли ўғитлар билан феврал ойининг ўрталарида 1-озиқлантирдик (йиллик меъёри 180-210 кг/га соф ҳолда). Ушбу ойда навларнинг ўсиш ва риважланиш даврларини аниқлаш мақсадида тўла туплаган 3-4 барг ва 1-2 барг ҳосил қилган делянкаларни мониторинг қилдик.

Минерал ўғитларбилан озиқлантирилгандан сўнг жамғарилган маҳаллий ўғитнинг 60-70 фоизи шарбат усулида озиқлантирилди.

Азотли ўғитлар билан 3-озиқлантириш апрель ойининг биринчи 10 кунлигида йиллик меъёрнинг 30—35 фоизи ёки 60-70 кг соф ҳолда (туплаш даврининг охири найчалош даврининг бошланиш фазасида) берилди.

Ўғитнинг қолган қисмини суспензия тариқасида туплаш, найчалош фазаларида 7-8 кг, бошоқдаш фазаси олдидан 8-10 кг ҳисобида пуркалди.

Суспензияни пуркашда фақат кар бамид ўғти ёки биостимуляторлар билан қўшиб қулланилди.

Жумладан бегона ўтларга қарши гранстар гербицидини 15-20 гр/га ҳисобида қўлланди.

Бошоқли дон экинларининг зараркунандалардан ҳимоя қилишда кимёвий курашни ўз вақтида ўтказиш яхши самара беради.

Катта зара келтирувчи сўрувчи ҳашоратлардан шира, трпис, зарарли хасва, шилимшиқ курт ҳисобланади.

Тадқиқотимиздаги авлодли нав уруғлари экилган далага Бульдок 2,5 фоиз 0,5 л/га ҳамда карате 5 фоизли 0,15-0,20 л/га билан ишланиб қарши курашилди.

Шунингдек бошоқли дон экинларида бир қатор касалликлар ҳам учрайди. Уларнинг асосийларига қоракуялар, ун-шудринг, занг ва доғланиш касалликларини киритиш мумкин. Шулардан бугунги кунда ғалла экинлари учун сариқ занг касаллиги ўта ҳавфли ҳисобланади. Сариқ занг ҳатто дон тўлиш фазасида учраганда ҳам 30-35 фоизгача ҳосил нобуд бўлади.

Шунинг учун биз асосан сариқ занг касаллигига қарши курашиб далага фоликур БТ 0,3-0,5 л/га фунгициди билан ишлов бердек.

Шунингдек лаборатория шароитида навларнинг 1000 та донининг вазни аниқланди.

Барча ўрганилган навларнинг 1000 та донининг вазни супер элита уруғларида Кума навида 38,3 гр, Таня навида 38,7 гр, Жайхун (Замин-1) навида 43,0 гр бўлди.

2-репродукция уруғларида эса навларнинг 1000 та донининг вазни Кума навида 37,3 гр, Таня навида 39,0 гр, Жайхун (Замин-1) 34,0 гр ни ташкил қилди.

Олинган натижаларга кўра супер элита уруғларининг 1000 та донининг вазни 2-репродукция уруғларининг 1000 та донининг вазнидан юқори эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари тажрибадаги барча навларнинг лаборатория шароитида унувчанлиги ҳам аниқланди.

Бунга кўра супер элита уруғларида унувчанлик Кума навида 92,7 фоиз, Таня навида 91,7 фоиз, Жайхун (Замин-1) навида 96,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2-репродукция уруғлари унувчанлиги Кума навида 99,0 фоиз, Таня навида 97,7

фоиз, Жайхун (Замин-1) навида эса 97,7 фоиз эканлигини кўсатди.

Шундай қилиб супер элита уруғларининг унувчанлиги 1-репродукция уруғларига нисбатан унувчанлиги Кума навида 6,3 фоизга, Таня навида 6,0 фоизга, Жайхун навида эса 1,7 фоизга паст эканлиги маълум бўлди.

Тажрибамиздаги ғалла навларнинг супер элита ва 2-репродукция уруғлари ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда қуйдагилар маълум бўлди.

Маҳаллий Жайхун буғдой навининг супер элита ва 2-репродукция уруғлари 50 м² дан 3 қайтариқда экилган эди. Ушбу экилган авлодли уруғларнинг ҳар бир қайтариқдаги ҳосилдорлиги аниқланди.

Бунга кўра, супер элита уруғлари 1-қайтариқда 24,5 кг, 2-қайтариқда 25,5 кг, 3-қайтариқда 24,7 кг ҳосилдорликка эга бўлишди.

2-репродукция уруғлари эса 1-қайтариқда 24,9 кг, 2-қайтариқда 25,2 кг, 3-қайтариқда 25,1 кг ҳосил берди.

Навнинг авлодли уруғларининг қайтриқлар бўйича ўртача ҳосилдорлиги супер элита уруғларида 24,9 кг/га, 2-репродукция уруғларида 25,1 кг/га ташкил қилди.

Бу кўрсаткичларни гектар ҳисобида ҳисобласак супер элита уруғлари 1 гектарига 49,8 центнер ҳамда 2-репродукция уруғлари эса 50,1 центнер ҳосилдорликка эга эканлиги намаён бўлди.

Шунингдек Таня навининг авлодли уруғларини ҳам қайтариқлар бўйича ҳосилдорлиги аниқланди.

Супер элита уруғларида 1-қайтариқда 22,5 кг, 2-қайтариқда 25,5 кг, 3-қайтариқда 23,0 кг ҳосилга эга бўлди.

2-репродукция уруғларида эса 1-қайтариқда 22,6 кг, 2-қайтариқда 25,2 кг, 3-қайтариқда 24,1 кг эканлиги аниқланди.

Авлодли уруғларининг ўртача ҳосилдорлиги қайтриқлар бўйича супер элита уруғларида 23,7 кг/га, 2-репродукция уруғларида 24,0 кг/га ташкил қилди.

Ушбу қайтариқлардаги Таня навининг уруғларини гектар ҳисобида

аниқласак супер элита уруғлари 1 гектарига 47,3 центнер, 2-репродукция уруғлари эса 47,9 центнер ҳосилга эга эканлиги маълум бўлди.

II.1. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги

Шундан кейин 2-репродукция уруғларини уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликларида экилиши натижасида иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиши аниқланди. Масалан: қуйдаги 7-жадвал 2013 йил ҳосили учун ўриб-йиғиб олинган 1 кг буғдой донига белгиланган устама фоизи ҳамда 8-жадвалда 2013 йил ҳосили учун ўриб йиғиб олинган 1 кг буғдой донининг нархи (сўм).

2013 йил ҳосили учун ўриб-йиғиб олинган 1 кг буғдой донига белгиланган устама фоизи.

7-жадвал

Товар дон	Супер элита	Элита	1-репродукция
сўм	фоиз, устама	фоиз, устама	фоиз, устама
383	200	100	65

2013 йил ҳосили учун ўриб йиғиб олинган 1 кг буғдой донининг белгиланган
нархи. (сўм)

8-жадвал

Товар дон	Супер элита	Элита	1-репродукция
сўм	сўм	сўм	сўм
383	1149	766	631,9

Юқоридаги жадвалларда кўриниб турибдики супер элита уруғларининг бир килограммининг нархи 1149 сўм, 2-репродукция уруғларининг нархи эса 383 сўмни ташкил қилмоқда.

Супер элита уруғларининг бир килограммининг нархи билан 2-репродукция уруғларининг нархи ўртасидаги фарқ 766 сўм бўлмоқда, яъни супер элита уруғлари 2-репродукция уруғларидан 2 баробарга қиммат экан.

Агар бир гектар майдонга уруғлик дон сарфи ҳисобланганда ўртача 250 килограммни ташкил этадиган бўлса, у ҳолда бир гектар майдонга 287250 сўмлик

супер элита уруғлар, 191500 сўмлик элита ва 157975 сўмлик 1-репродукция ҳамда
95750 сўмлик 2-репродукция уруғлар сарф бўлиши кузатилмоқда. **(9-жадвал)**

**Бир гектар майдонга экиладиган авлодли бугдой донининг
сарф-харажатлари ҳамда супер элитага нисбатан фарқи**

9-жадвал

Авлоди	1 га/кг	1 кг дон нархи (сўм)	Шу жумладан 1 гектарга
---------------	----------------	---------------------------------	-------------------------------

			Уруғлик нархи (сўм)	Уруғлик нархи супер элитага нисбатан фарқи (сўм)
Супер элита	250	1149,0	287250	0
Элита	250	766,0	191500	95750
1-репродукция	250	631,9	157975	129275
2-репродукция	250	383,0	95750	191500

Демак, агар уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари 1-репродукция уруғлари ўрнига, харид нархи арзон бўлган лекин экинбоплик ва наводорлик сифатлари белгиланган талабларга тўлиқ жавоб берадиган 2-репродукция уруғларини эксалар, у ҳолда бир гектар майдондан 2-репродукция уруғларини экиш ҳисобига 62225 сўм маблағни тежаш имконияти пайдо бўлади ҳамда фермер хўжалигининг иқтисодий ҳолатини яхшилайти, маблағ ва харажатларининг пасайишига ва пировардида ишлаб чиқариш рентабеллигини ошишига олиб келади.

Тошкент вилоятининг Чиноз туманида жами 7019 гектар майдонга ғалла экилади. Шундан 730 гектар майдонга уруғлик дон, қолган 6289 гектар майдонга товар дон экилади. Туман бўйича уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликларига 1572250 кг 1-репродукция уруғлари сарфланади, бу эса 993504775 сўмни ташкил қилади, агар Чиноз туманидаги уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари 6289 гектар майдонга 1-репродукция уруғлари ўринига

2-репродукция уруғларини эксалар 602171750 сўмни ташкил қилади. Бунда туман уруғликка кедадиган 391333025 (уч юз тўқсон бир миллион уч юз ўттиз уч минг йигирма беш)сўм маблағни тежаши мумкин. **(10-жадвал)**

Тошкент вилояти Чиноз туманида 2-репродукция уруғлари экиши ҳисобига тежаладиган маблағ тўғрисида маълумот

10-жадвал				
Чиноз туманида уруғликка ихтисослашмаган фермер хўжалик-лари ер майдони, га	Сарфланадиган уруғ миқдори, тонна	Туманда сарфланади-ган 1-авлод уруғлари нархи, сўм	Туманда сарфланади-ган 2-авлод уруғлари нархи, сўм	Туман бўйича Тежаб қолинади-ган маблағ, сўм

6289	1572,25	993 504 775	602 171 750	391 333 025
------	---------	-------------	-------------	-------------

Энди Тошкент вилояти миқиёсида олсак, жами 131730 гектар майдонга ғалла экилади. Шундан 11500 гектар майдонга уруғлик дон, қолган 120 230 гектар майдонга товар дон экилади. Вилоят бўйича уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликларига 30057500 кг 1-репродукция уруғлари сарфланади, бу эса 18 993 334 250 сўмни ташкил қилади, агар Тошкент вилоятидаги уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари 120 230 гектар майдонга 1-репродукция уруғлари ўринига 2-репродукция уруғларини эксалар 11 512 022 500 сўмни ташкил қилади. Бунда вилоят уруғликка кедадиган 7 481 311 750 (етти миллиард тўрт юз саксон бир миллион уч юз ўн бир минг етти юз эллик)сўм маблағни тежаш имконияти пайдо бўлади. **(11-жадвал)**

Тошкент вилоятида 2-репродукция уруғлари экиши ҳисобига тежаладиган
маблағ тўғрисида
маълумот

11-жадвал

Тошкент вилоятида				
уруғликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари ер майдони, га	сарфланадиган уруғ миқдори, тонна	сарфланадиган 1-авлод уруғлари нархи, сўм	сарфланадиган 2-авлод уруғлари нархи, сўм	Тежаб қолинадиган маблағ, сўм
120230	30057,50	18993334250	11512022500	7481311750

Тадқиқотимизда биз фақатгина Тошкент вилояти ҳамда Чиноз туманида 2-репродукция уруғларини экиш ҳисобига иқтисодий самарадорлигини яъни дароматини аниқладик, агар Республика бўйича барча уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлар 2-репродукция уруғларини экишлари натижасида, ушуб фермер хўжаликларнинг уруғликка сарфланаётган маблағларини иқтисод қилиш ва пировардда ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишлари мумкин.

Шунингдек уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари юқори авлодли уруғларни экмаслиги ҳисобига, хориждан олиб келинадиган супер элита уруғларининг миқдори камаяди.

Шундай қилиб ишлаб чиқариш шароитида экиш учун уруғлик материални танлашда уруғчиликка ихтисослашмаган фермерлар ўз хўжаликларининг иқтисодий ҳолатини яхшилаш, маблағ ва харажатларини тежаб қолиш ва пировардда ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишлари учун харид нархи орзон бўлган 2-репродукция (R-2) уруғларни экишлари тавсия қиламиз.

Шу билан биргаликда уруғлик ишлаб чиқарувчилар ва уруғ тайёрлашга масъуллар ҳам харид нархи орзон бўлган 2-репродукция (R-2) бўлган унувчанлиги юқори ҳамда бошқа сифат кўрсаткичлари белгиланган талабларга жавоб берадиган уруғларни янада кўпроқ ишлаб чиқаришга этибор берилиши мақсадга мувофиқдир.

III-БОБ. ХУЛОСА

1. Бугунги кунда ғаллачиликда асосан супер элита, элита ва 1-репродукция уруғлари экиб келнмоқда. Кейинги авлод (2-репродукция) уруғлари эса деярли уруғчиликда қўлланилмаяпди.

Бу ҳолат эса уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликларида иқтисодий ҳолатини қийинлашишига, маблағ ва харажатларининг ошишига ва пировардида ишлаб чиқариш рентабеллигини пасайишига олиб келаётганлиги кузатилмоқда.

2. Шу боис тажрибаларимиз якунида шу нарса аниқ бўлдики, уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари юқори авлодли уруғлар ўрнига, харид нархи арзон бўлган лекин экинбоплик ва наводорлик сифатлари белгиланган талабларга тўлиқ жавоб берадиган 2-репродукция уруғларини эксалар, маблағни тежаш имконияти пайдо бўлади ҳамда фермер хўжалигининг иқтисодий ҳолатини яхшилайти, маблағ ва харажатларининг пасайишига ва пировардида ишлаб чиқариш рентабеллигини ошишига олиб келади.

3. Уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари юқори авлодли уруғларни экмасдан, 2-репродукция уруғларини экиши ҳисобига, хориждан олиб келинадиган супер элита уруғларининг миқдорини камаяди ва ушбу уруғларни сотиб олишга сарфланаётган валюта маблағлари иқтисод қилиш имконияти пайдо бўлади.

4. Шу билан биргаликда уруғлик ишлаб чиқарувчилар ва уруғ тайёрлашга масъуллар ҳам харид нархи орзон бўлган ҳамда унувчанлиги юқори ҳамда бошқа сифат кўрсаткичлари белгиланган талабларга жавоб берадиган 2-репродукция (R-2) уруғларни янада кўпроқ ишлаб чиқарсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

III.1. Ишлаб чиқаришга таклифлар.

1.Юқори авлодли (супер элита, элита, R-1) уруғларни экиш фақат уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари муаян нав уруғларни экиб кўпайтириш учун экилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари учун эса нархи орзон бўлган унувчанлиги ҳамда бошқа сифат кўрсаткичлари белгиланган талабларга жавоб берадиган иккинчи авлод уруғларни экишини.

3. Уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари юқори авлодли уруғларни экмасдан, 2-репродукция уруғларини экиши ҳисобига, хориждан олиб келинадиган супер элита уруғларининг миқдорини камаяди ва ушбу уруғларни сотиб олишга сарфланаётган валюта маблағлари иқтисод қилиш имконияти пайдо бўлади.

4. Шу билан биргаликда уруғлик ишлаб чиқарувчилар ва уруғ тайёрлашга масъуллар харид нархи орзон бўлган 2-репродукция (R-2) унувчанлиги ҳамда бошқа сифат кўрсаткичлари белгиланган талабларга жавоб берадиган уруғларни янада кўпроқ ишлаб чиқаришга этибор берилиши.

IV-БОБ. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи”. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юртимиз ғаллакорларига йўллаган табриги.
3. Автономов В.А., Буриева М., Кушалиев А.К. Устойчивость межлинейных гибридов F₁ к основным грипповым заболеваниям Материалы международной научно-практической конференции. Современное состояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решения. Ташкент-2007.С.71-73.
4. Азимов Ф.Д. Зрелость семян как основной критерий их качества. «Уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари» Ташкент 1998. С.44-45.
5. Акабушев В.А. Совершенствование методики определения массы 1000 семян полевых культур.// Ж." Селекция и семеноводство" 1985. № 4. С. 5-59.
6. Абдуалимов Ш. Стимуляторлар билан ишлов бериб чигит экиш меъёрини камайтириш мумкинми? «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы её развития». Материалы межд. науч.-практ. конф., Т., 2006, 205-207 б.
7. Айдаров Ш.Г., Козубаев Ш.С., Рашидова Д.К., Закиров С.Т., Шпилевский В.Н. Изыскание нетрадиционных методов обоснования ожидаемой выделяемости высококачественных посевных семян хлопчатника. «Современное состояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решения». Материалы межд. науч.-практ. конф., Т., 2007, 192-195 б.
8. А. Нариманов. “Бошоқли дон экинлари авлоди уруғларининг ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш асосида, уруғчилик самарадорлигини ошириш”. Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий қилиш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами 1 қисм Самарқанд-2012. 102-105 бет.

9. А.Нариманов, Ф.Мамасолоиев. “Ғаллачилиқда иккинчи ва учинчи репродукция уруғларининг экинбоплик ва ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш асосида уруғчилик самарадорлигини ошириш йўллари”. “Турли экстремал шароитларга бардошли ғўза ва беданинг янги навларини яратишда генетик-селекцион услублардан фойдаланиш” Республика илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами №32, Тошкент, 2012, 263-264 бет.

10. А.Нариманов, Ф.Мамасолоиев. “Буғдойнинг супер элита ва иккинчи репродукция уруғларининг экинбоплик хусусиятларини аниқлаш”. “Селекция ва уруғчилик бўйича тадқиқотларни ташкил этишнинг муҳим йўналишлари” Республика илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 2013 йил 146-148 бет.

11. А.Нариманов, Ф.Мамасолоиев. Буғдойнинг авлодли уруғларининг экинбоплик хусусиятларини аниқлаш. “Фан ва технологияларни ривожлантириш сиёсати ва илмий-техника ахборотининг ўрни” мавзусидаги 1-Ўзбекистон-Корея форми. Тошкент, 2013 йил.

12. Agro BIZNES журнали №07/78-2013.

9. Бердимуратов Т. Качество семян хлопчатника в зависимости от массы 1000 штук семян. «Современное состояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решения». Материалы межд. науч.-практ. конф., Т., 2007, 198-199 б.

13. Бошокли дон экинлари наводор уруғлик майдонларини дала кўригидан ўтказиш ва уни хужжатлаштириш бўйича услубий қўлланма. А. Омонов, Р. Сиддиқов, Х. Махмудов, Р. Курбонов. Тошкент 2011 йил 3-5 бет.

14. Доброхотов В.Н. Семеноведение и контрольно-семенное дело. М., «Сельхозиздат», 1940.

15. Иксанов М.И., Усманов С.А. К вопросу воспроизводства оригинальных (авторских) элитных семян хлопчатника. Материалы международной научно-практической конференции. Современное состояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решения. Ташкент-2007.С.

16. Ибрагимов П., Ибрагимов Ш. Новый подход в производстве семян элиты. Материалы международной научно-практической конференции. Современное состояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решения. Ташкент-2007.С.233-234.

17. Костичев П. Влияние качества семян на урожай. Сельское хозяйство и лесоводство. М., 1877.

18. Кулешов Н.Н. Процесс семенообразования и полноценность семенного материала. М., 1964, 43 б.

19. Мадрахимов И.Х. Янги ва районлашган ғўза навларининг уруғлик сифатини ўрганиш. //Номзодлик диссертацияси автореферати. Тошкент-2010.21бет.

20. Мустақил юрт ғалласи /-Т: “Ўзбекистон” 2003. – 136 б.

21. Нариманов А.А. Механизм синтеза и накопления питательных веществ в семенах во взаимосвязи с механизмом их прорастания.//В кн.Уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари.-Тошкент.1998.-24-26 б.

22. Нариманов А.А. Высокая жизненность семян как важнейший фактор их полноценного прорастания. Т., «Фан», 2000, 145 с.

23. Нариманов А.А. Высокая жизненность семян. // Семена.- Москва.2002. № 13.- С.24-26.

24. Нариманов А.А. Совершенствование теории и практики семеноводства хлопчатника. Автореф. дисс. на соиск.уч.степ. докт. с/х наук, 2005 2-3 ст.

25. Нариманов А.А. Уруғларни сертификациялаш йўлида.// Ж. Пахтачилик ва дончилик № 3. 1993. С. 18-21.

26. Нариманов А.А. Сара уруғ-даромад манбаи.// Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 1998 № 3 С. 20-21.

27. Нариманов А.А. Проблемы семеноводства и перспективы его реформирования.//Ж.Сельское хозяйства Узбекистана 1998 № 3 С.16-18.

28. Нариманов А.А., Нугманов Р.Ш. и др. Семеноводство в современных условиях.// Ж. Сельское хозяйство Узбекистана. № 3. 1993. С. 8-10.
29. О.Амонов Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналі № 4.2014
30. Р. Сиддиқов. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналі №1.2013. 7-бет
- 31.Р.Сиддиқов, И.Эгамов, Т.Жалолов, А. Мансуров. Ўзбекистон Республикасида экишга тавсия этилган, истикболли кузги буғдой навларининг қискача таснифи. Андижон-2011. 2-6 бет.
32. Тўхсинов М., Асронов А., Отахонов Н., Дала экинлари уруғчилиги ва уруғшунослиги. Фарғона,1999.-1996.
33. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда қабул қилинган ва 2002 йилда янги таҳрирдаги «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ҳамда «Уруғчилик тўғрисида»ги қонунлари.
34. Эгамбердиев А. Ёўза селекцияси ва уруғчилиги. Т., 2007, 55 б.
35. Ғайбуллаев С. Ғ. Ғайбуллаев Ғ.С. Уруғчилликка эътибор юқори ҳосил ва даромад манбаи. //Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари. Самарканд-2007.Стр.14-16).
36. <http://p.www.selection.uz>).
37. (<http://p.www.selection.arg.uz>).
38. (<http://www.gen.uz>).
39. (<http://www.cottonbz@tktuzu>.)
40. (<http://www.gen.arg.uz>).
- 41.([www. Mfa. uz./modules. Php op mbloa&name News &file artcl&sid 769-26k](http://www.Mfa.uz/modules.php?op=mbloa&name=News&file=artcl&sid=769-26k)).
42. (<http://www.uzsci.het>.)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

5A410401 - «Селекцияси ва уруғчилик (дон экинлар селекцияси)» мутахассислиги

2-курс магистранти

Мамасолиев Фахриддин Улашевичнинг

**“Ғаллачиликда иккинчи репродукция уруғларининг ҳосилдорлик
хусусиятларини аниқлаш асосида, уруғчилик самарадорлигини
ошириш” мавзусидаги магистрлик диссертациясига**

Т А Қ Р И З

Замонавий уруғчиликнинг олдида қўйилган масалаларни ҳал қилишда ҳар қандай тадқиқот ишлари, шу жумладан мазкур тадқиқотда кўтарилган масалалар диққатга сазовордир.

Бугунги кунда ғаллачиликда асосан супер элита, элита ва 1-репродукция уруғлари экиб келинмоқда. Кейинги авлод (2репродукция) уруғлари эса деярли уруғчиликда қулланилмаяпти.

Бу ҳолат эса уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликларида иктисодий ҳолатининг қийинлашишига, маблағ ва харажатларининг ошишига ва пировардида ишлаб чиқариш рентабеллигининг пасайишига олиб келаётганлиги кузатилмоқда.

Шу боис, харид нархи арзон бўлган, лекин экинбоплик ва наводорлик сифатлари белгиланган талабларга тўлиқ жавоб берадиган иккинчи репродукция уруғларининг ҳосилдорлиги, доннинг сифат кўрсаткичлари ва самарадорлигини ўрганиш ҳамда фермер хўжаликлари учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида тажрибалар ўтказилган.

Ҳисобот даврида муҳим ишлар ўтказилган.

Шу боис тажриба якунида уруғчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликлари юқори авлодли уруғлар ўрнига, харид нархи арзон бўлган, лекин экинбоплик ва наводорлик сифатлари белгиланган талабларга тўлиқ жавоб берадиган 2-репродукция уруғларини эксалар, маблағни тежаш имконияти пайдо бўлади ҳамда фермер хўжалигининг иқтисодий ҳолатини яхшилайти, маблағ ва харажатларининг пасайишига ва пировардида ишлаб чиқариш рентабеллигини ошишига олиб келади деб аниқ фикрлар билдирган.

Ҳисоботда келтирилган хулосалар тадқиқот натижасидан келиб чиққандир.

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва
етиштириш агротехнологиялари
илмий тадқиқот институти
катта илмий ходими қ.х.ф.н**

А.Сиддиқов

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

5A410401 - «Селекцияси ва уруғчилик (дон экинлар селекцияси)» мутахассислиги

2-курс магистранти

Мамасолиев Фахриддин Улашевичнинг

**“Ғаллачиликда иккинчи репродукция уруғларининг ҳосилдорлик
хусусиятларини аниқлаш асосида, уруғчилик самарадорлигини
ошириш” мавзусидаги магистрлик диссертациясига**
Т А Қ Р И З

Дунё мамлакатлари учун аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай давлат олдида турган энг муҳим масалалардан биридир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик аграр ислохатлардан бири дон мустақиллигига эришиш бўлиб, бугунги кунда донли экинлар майдони анча кенгайди ва ғаллачилик, пахтачилик қаторида биринчи даражали тармоққа айланди. Бундан ташқари Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган сиёсат натижасида ғалла ишлаб чиқаришнинг 90 фоизидан ортиғи фермер хўжаликларига тўғри келмоқда.

Мустақиллик йилларида дон ҳосилдорлиги кўпайиши билан биргаликда унинг сифати ҳам анча яхшиланди.

Шунинг билан бир қаторда, барқарор, юқори ва сифатли ҳосил берадиган, атроф муҳитнинг ноқулай шароитларига бардошли, кучли ва қимматли технологик сифатларга эга бўлган маҳаллий буғдой навларини яратиш, уларнинг бирламчи ва оммавий уруғчилиги ва уруғшунослик усулларини такомиллаштириш бугунги кунда устивор масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда экиб келинаётган навларни кўп йиллар давомида сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш, аҳамияти жиҳатдан селекция йўли билан янги навларни яратишдан кам бўлмаган устивор илмий-тадқиқот иши ҳисобланади.

Элита уруғлари ишлаб чиқаришда узоқ давр мобайнида фойдаланилган паст

репродукцияли, аммо нав тозалиги қониқарли бўлган уруғларга нисбатан анча кўп ҳосил бериш қобилиятига эга бўлади. Аммо айрим ҳолларда элита уруғларнинг ҳосилдорлиги бўйича бундай устунликка эга бўлиши қисқа муддатли ҳодиса бўлиб, бу элита хўжаликлар ва илмий тадқиқот муассасаларида қўлланиладиган агротехник шароитларнинг яхши бўлишига боғлиқ. Йил сайин қулай шароитда етиштириладиган уруғлар узок йиллар давомида маҳсулдорлиги бўйича элита уруғидан ҳеч қолишмаслиги мумкин.

Кейинги йиллар давомида ғаллачиликда экиш учун супер элита, элита ва биринчи репродукция уруғларидан фойдаланилмоқда. Кейинги авлод уруғлари эса деярли ишлаб чиқаришда қўлланилмайди. Шу боис ғаллачиликда иккинчи ва учинчи репродукция уруғларини экишга яроқлилигини ва уларнинг ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш бугунги кунда устувор муаммо ҳисобланади.

Ана шу муаммоларни урганиш учун Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси мутахассислари “Ғаллачиликда иккинчи ва учинчи репродукция уруғларининг экинбоплик ва ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш асосида уруғчилик самарадорлигини оширадиган тавсиялар ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш” мавзусидаги инновация лойиҳасини ишлаб чиққанлар.

Ушбу тадқиқот бажарилиши натижасида фермер хўжаликларда иккинчи авлод уруғларини экиш ҳисобига уруғлик нархи арзонлашиши ҳамда хориждан сотиб олиб келинаётган супер элита уруғларига сарфланаётган валюта маблағи иқтисод қилиниши имконияти пайдо бўлади деб уйлайман.

Ҳисобот даврида муҳим ишлар ўтказилган.

Лаборатория шароитида уруғларнинг унувчанлигини, 1000 та донининг вазни каби кўрсаткичлари аниқлангани, бундан ташқари урганилаётган навларнинг амалдаги услубларга мувофиқ рендомизация асосида 3 қайтариқда жойлаштирилгани ҳамда ўрим йиғим ишлари Давлат комиссиясининг услубий қўлламаларга асосан ўтказилганлиги ҳамда 2-репродукция уруғларини экиш ҳисобига урухчиликка ихтисослашмаган фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигининг оширилиши тажрибанинг аниқлигини янада оширган.

Ҳисоботда келтирилган хулосалар тадқиқот натижасидан келиб чиққандир.

Тошкент Давлат Аграр Университети
Ўсимликшунослик кафедраси қ.х.ф.н

Н. Турдиева

